ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

6 январь, сешанба 1998 йил №2 (504)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

ҲИСОБОТ ЯКУНЛАНМАДИ...
2-БЕТДА

СУҒУРТАНИНГ ФОЙДАСИ КЎП...
3-БЕТДА

ДАҲШАТЛИ ФИЛЬМЛАР: УЛАР БИЗГА КЕРАКМИ?
4-БЕТДА

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

4 январь куни Узбекистонда Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов амалий ташриф билан меҳмон бўлди.

Ўзбек ва тожик халқлари неча минг йиллардан буён қардош-қондошлик ришталари билан боғланиб, бир халқдай яшаб келадилар. Икки биродар халқнинг дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳар икки давлатнинг мустақиллик йилларида янада кенгайди. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг юртимизга қилган амалий ташрифи ана шу азалий дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тошкент шаҳри яқинидаги Дурмон қароргоҳида Тожикистон раҳбарининг Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашуви бўлиб ўтди. Икки қўшни давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбатлари чоғида узбек-тожик муносабатларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шундан сўнг бўлиб ўтган икки давлат расмий делегациялари учрашувида Узбекистон ва Тожикистоннинг савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, бунинг учун мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш хусусида фикр алмашилди, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари муваффақиятли ривожланаётгани қайд этилди. Узбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги самараларидан мамнунлигини билдирди. Шу билан бирга, ушбу муносабатларни янада чуқурлаштириш учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги, айниқса, икки давлатнинг узаро савдо-сотиқ алоқаларини бугунгидан анча кўпайтириш зарурати таъкидланди.

Музокаралар сўнгида Узбекистон ва Тожикистоннинг кўптомонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, томонлар икки давлат раҳбарининг учрашуви якунларига доир қўшма ахборотни, шунингдек, Узбекистон ва Тожикистон ўртасидаги соғлиқни сақлаш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, маданият, илм-фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар.

Имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳар икки давлат раҳбарининг журналистлар билан бўлган учрашувида алоҳида қайд этилди. Жумладан, матбуот анжуманида сўзга чиққан Узбекистон Президенти Ислом Каримов шундай деди:

- Узбекистон ва Тожикистон давлат делегацияларининг учрашувида икки давлат муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжатларни имзоладик. Кези келганда шуни айтиб ўтишим керакки, бугунга қадар давлатларимиз ўртасида уттиздан ошиқ ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Узбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари муваффақиятли равнақ топиб бормоқда, дейиш мумкин. бизни шу нарса қувонтиради-ки, бугунги кунга келиб, Тожикистондаги вазият анча барқарорлашмоқда. Узбекистон эса, қўшни Тожикистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан энг манфаатдор давлатдир. Имонимиз комилки, Тожикистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилади. Шу ўринда, 1997 йилда Москвада Тожикистон ҳукумати ва Бирлашган тожик муҳолифати ўртасида узаро келишиш йўли билан бориш керак. Бундан бошқа йўл бўлиши мумкин эмас,- деди юртбошимиз Ислом Каримов.

Шунингдек, Ислом Каримов Тожикистон ва Узбекистон ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш заруратини алоҳида таъкидлади. Ҳамкорликнинг барча қирраларини самарали ривожлантириш керак. Жумладан, Ислом Каримов Тожикистонда Узбекистон маданияти кунларини ва, албатта, Узбекистонда тожик маданияти кунларини ўтказишни таклиф этди. Бундан ташқари, икки давлатнинг ўюшган жиноятчилик, наркобизнесга қарши курашдаги яқин ҳамкорлигини кучайтириш ўта муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Тожикистон Президенти ҳам, ўз навбатида, бугунги учрашувдан ва икки томонлама имзоланган ҳужжатлардан мамнунлигини билдирди.

- 1998 йилнинг расман қабул қилинган биринчи иш кунида Тожикистон Президенти ўз биродарлари, қаридошлари, дўстлари ҳузурига ташриф буюрди,- деди Имомали Раҳмонов.- Бу мен учун жуда муҳим воқеа. 1998 йилнинг биринчи иш кунида айнан Узбекистонга келишимни икки халқнинг азалий дўстлиги мустаҳкамлигининг намойиши деб биламан. Бу ерда бўлиб ўтган учрашув ва музокаларда икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Кўрилган барча масалаларда Президент Ислом Каримов билан ҳамфикр эканлигимиз аён бўлди. Муҳокама этилган ҳар бир масала бўйича узаро келишиб, муаммоларга ижобий ечим топдик. Мен аминманки, давлатларимиз ўртасидаги ана шу узаро бирбирини тушуниш ва узаро ишонч руҳи бундан буён ҳам равнақ топиб бораверади,- деди Имомали Раҳмонов.

Шундан сўнг Узбекистон ва Тожикистон Президентлари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Кези келганда шуни қайд этиб ўтиш керакки, Узбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг асосий тамойиллари оғир даврларда ёрдам қўлини чўзиш, қўллаб-қувватлаш ва далда беришга асосланганлиги. Тожикистонда узоқ йиллар давом этган сиёсий беқарорлик ва қуролли тўқнашувлар даврида Узбекистон ҳукумати тожик халқига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келди. Тожикистонга Узбекистондан озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари, ноёб дорилармонлар етказиб турилди. Шунингдек, Тожикистондаги уруш оқибатида Афғонистонга қочиб ўтган тожик қочқинларининг ватанларига қайтишларида ҳам Узбекистон ҳукумати яқиндан ёрдам берди. Жумладан, Узбекистон раҳбарияти БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий комиссари бошқаруви билан олиб борган музокаралари самараси ўлароқ, тожик қочқинлари ўз ватанларига Узбекистон ҳудуди орқали қайтиб ўтдилар. Узбекистон ҳукуматининг бу хайрли ва эзгу ташаббуси билан дунё жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Узбекистон билан қардош Тожикистон давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик ришталари бундан буён ҳам равнақ топиб бораверади. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг юртимизга амалий ташрифи ҳам бунга омил бўлади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи

ПРЕЗИДЕНТ АШХОБАДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг таклифига биноан 5 январ куни Ашхобадга жўнаб кетди.

Ашхобадда Марказий Осиёдаги беш мустақил мамлакат - Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон Президентларининг амалий учрашуви бўлиши кутилмоқда. Учрашувда минтақавий масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олиш кўзда тутилган.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Б.Ғуломов, В.Норов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Туркманистоннинг Узбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С.Пирмуҳаммедов ҳам бор эди.

/ЎзА/

1997 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАСТУРИ МАҲСУЛОТЛАРИ

«Йилнинг энг яхши дастурий маҳсулоти» деб аталган республика танловига якун ясалди. Танловни Узбекистон Давлат Фан ва техника қўмитаси ва шу қўмита ҳузуридаги «Инфо-фан» ахборот технологиялари маркази эълон қилган эди. Танловда учта совринли ўрин учун 60 га яқин даъвогар иштирок этди. Улар орасида давлат муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, банклар, шу соҳадаги фирмалар компьютер хизмати жамоалари, шунингдек республика олий ўқув юртларининг ахборот технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган талабалари ва ўқитувчилари бор эди.

Ҳакамлар ҳайъати барча ишланмаларни пухта ўрганиб чиқиб, уч ғолибни аниқлади. Танловда биринчи ўрин «Компьютер-Осиё» илмий- техника парки жамоасига «Амир Темур: шахс, давлат, ренессанс» мультимедиа-қомуси учун берилди. Иккинчи соврин компьютердан фойдаланувчиларга барча асосий замонавий ахборот технологияларини ўрганиш имконини берадиган компьютер қомуси учун «Саркор-телеком» фирмасига берилди. Учинчи ўрин эса «Авиаброк-консауд» махсус фирмасига «Ҳуқуқ» юридик ахборот тизими учун берилди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Ироқ ҳукуматининг расмий вакили Бағдоддаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасининг ўққа тутилганини қаттиқ қоралади. Маълумки, ўтган ҳафтада Ироқ пойтахтидаги БМТ ваколатхонасига номаълум кишилар бир неча марта ўқ отганлар. Ироқ ҳукумати вакилининг баёнот беришича, бу жиноятни Ироқ билан БМТнинг қуролсизаниш бўйича махсус комиссияси ўртасидаги келишмовчиликни янада кескинлаштириш истагида бўлган кишилар содир этган.

***

Фаластин раҳбарияти Исроил ҳукуматининг Урдун дарёси ғарбий соҳилидан ўз қўшинларининг фақат бир қисмини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қарорини қаттиқ қоралади. Ушбу қарорга кўра, ғарбий соҳилнинг фақат 10 фоизигина фаластинликларга қайтарилиши кўзда тутилган. Фаластин раҳбарияти эса Урдун дарёси ғарбий соҳилининг 90 фоизига эгалик қилиш истагида.

***

Италия ҳукумати Туркиядан курд миллатига мансуб қочқинларнинг йўлини тўсишга уринмоқда. Курдлар кўплаб кемаларда Италия соҳилларига келиб тушмоқда. Италия ҳукумати 800 нафар курд қочқинини қўлга олган. Гап шундаки, Италия ҳукуматининг ўзи якинда Туркия раҳбарияти томонидан қувғин қилинаётган курдларга сиёсий бошпана бериши мумкинлиги ҳақида баёнот берган эди.

***

Сурия президенти Ҳофиз Асад Дамашқда Америка Қўшма Штатлари Сенатининг разведка ишлари қўмитаси раиси Арлен Спектер билан учрашди. Учрашув чоғида Сурия ва Исроил муносабатларини тиклаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган. Арлен Спектернинг маълум қилишича, АҚШ Президенти Билл Клинтон Сурия-Исроил муносабатларини яхшилашга ёрдам кўрсатади.

***

Литвада мамлакат президентлигига сайловларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Иккинчи босқичда икки номзод — Литванинг собиқ бош прокурори Артурас Пауласкас ҳамда литва миллатига мансуб америкалик Валдас Адамкус кураш олиб бордилар. Сайловларнинг натижаси ҳали маълум бўлган эмас.

***

Америкалик машҳур сайёҳ Стив Фроссет ҳаво шарида жаҳон бўйлаб саёҳат қилмоқда. Бу унинг ҳаво шаридаги тўртинчи саёҳатидир. Бироқ, аввалгиларига ўхшаб, бу галги саёҳат ҳам охирига етмайдиганга ўхшайди. Гап шундаки, унинг ҳаво шари Ливияга яқинлашиб қолди. Ливия ҳукумати эса Стив Фроссет ҳаво шарининг мамлакат осмонидан учиб ўтишига қаршилик билдирмоқда. Ўтган йили ҳам Ливия ҳукумати Фроссет ва унинг ҳаво шарини мамлакат осмонига қўймаган эди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Иқтисодиёт хабарлари

ЯНГИ ЙИЛДАН— ЯНГИ МАШИНА

1998 йилдан бошлаб «Авташ» ўзбек-чех-корейс қўшма корхонаси томонидан тайёрланаётган «ДЭУ-Авиа» русумли юк ташувчи автомобиль серияли равишда ишлаб чиқарила бошланади. Имзоланган контрактга биноан йилига 600 тадан «Авиа А-60» ва «Авиа А-75» йиғилади. Корхона яна бир ярим йилдан кейин бу машиналарини Россияга экспорт қила бошлайди.

Чехиялик машинасозлар билан ўзбекистонликларнинг қўшма корхонаси аслида 1993 йилдан иш бошлаган бўлиб, йилига 2 минг тадан юк машиналари ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Ҳолбуки, корхонада шу кунгача бор-йўғи 489 дона автомобиль тайёрланди. Бундай аҳволга бир томондан конвертациянинг йўқлиги бўлса, иккинчи томондан автомобиль учун зарур бўлган бутлаш қисмларини валютага сотиб олиниб, тайёр маҳсулотни ички бозорда сўмга сотиш сабаб бўлган.

Кореянинг машҳур «DAEWOO» компанияси бу ишга бош қўшганидан сўнг вазият тамоман ўзгарди. Ўтган йили Европа мамлакатларига 113 млн.долларли маҳсулот сотган Чехиянинг «Авиа» заводидан «DAEWOO» 55 фоиз акцияларини сотиб олгач, иш юришиб кетди. Энди уч мамлакатнинг қўшма корхонаси дунё бозорига ишлаб чиқарилаётган «шаҳар» юк машиналарининг беш фоизини тайёрлашни режалаштирган.

«Авташ» қўшма корхонасининг бош директори Ғайрат Иноғомовнинг айтишича, бутлаш қисмларини тайёрлаш яқин орада олти мартага ортади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан имзоланган ҳужжатга мувофиқ янги йил баҳоригача пойтахт учун 100 юк ташувчи машиналар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, корхона республика вазирликлари, автоинспекцияси, йирик корхоналар билан тузилган шартномага ҳам эга. Корхона раҳбариятининг режаларига қараганда келгуси бир ярим йилда республиканинг бу машинага бўлган эҳтиёжи қондирилгач, корея-чех-узбеклар «Авиа»си Россияга жўнатилади. Янги машинанинг бу ўлкада кенг тарқалишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки у шу классдаги ГАЗ-53 дан бир ярим баробар арзон.

РЕСПУБЛИКА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИРЖАСИДА

Шу биржада бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 14 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 276,5 мингта акцияларини сотиб - 106,3 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Шу савдода энг катта натижага Тошкент шаҳар «Лола атир-упа» ҳиссадорлик жамияти эришди. Улар ҳам 49,4 мингта оддий акцияларини сотилишига эришдилар. 28 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. 1998 йилда 1 та ҳиссадор жамияти 2,5 миллион сўмлик 2,5 мингта акцияларини сотдилар.

Умуман 1997 йилда биржа бўйича 5422,9 мингта акциялар сотилди. Уларнинг сотув ҳажми 2304,7 миллион сўмни ташкил қилди.

Келажагимиз вориси бўлган ёш авлодга ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Янги йил муносабати билан республикамиз Президенти номидан болаларга совғалар топширилиши бунинг ёрқин далилидир.

Суратда: совға қабул қилиб олган болалардан бир гуруҳи.

Р.Галиев олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 6 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1Австралия доллари	52,13
1 Австрия шиллинги	6,35
1Англияфунт стерлинги	132,12
10 Бельгия франки	21,69
1 Голландия гульдени	39,66
10 Греция драхмаси	2,83
1 Дания кронаси	11,73
1 БАА дирхами	21,88
1 АҚШ доллари	80,36
1 Миср фунти	23,67
1 Ирландия фунти	114,23
1 Исландия кронаси	1,11
10 Испания песети	5,28
100 Италия лираси	4,54
1 Канада доллари	56,40
1 Хитой юани	9,71
1 Кувайт динори	263,04
100 Ливан фунти	5,28
1 Малайзия рингтити	20,06
1 Германия маркаси	44,68
1 Норвегия кронаси	10,93
1 Польша злотийси	22,81
10Португалияэскудоси	4,39
1 Сингапур доллари	47,15
1000 Туркия лираси	0,39
1Финляндия маркаси	14,76
1 Франция франки	13,35
1 Швеция кронаси	10,10
1Швейцария франки	55,04
1 ЭКЮ	88,28
10ЖанубийКореявони	0,47
10 Япония иенаси	6,08
1000 Россия рубли	13,48
1 Украина гривнаси	42,38
1000Беларусрубли	2,61
1 Эстония кронаси	5,59
1 Латвия лати	135,97
1 Литва лити	20,09
1 Козоғистон тенгеси	1,06
1 Қирғизистон соми	4,62

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МЕҲНАТ ҒАШТИ

Шу кунларда Андижон вилоятининг тоҳ у ер - тоҳ бу ерида кунора оммавий тўй-томошалар бўлиб турибди. Карнай-сурнайлар элни сайилга чорлаяпти. Туманларда анъанавий «Ҳосил байрами» бўлиб ўтмоқда. Вилоят ҳокимлигининг 1997 йилда пахта етиштириш ва сотиш режаларини бажаришда вилоятда энг яхши кўрсаткичларга эришган туманлар, хўжаликлар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда хашарчиларни рағбатлантириш юзасидан қабул қилган қарори умумхалқ шодиёналарига кўтаринки рух бағишлаётир. Қарорга биноан вилоят бўйича бир неча минг киши (бригада бошлиқлари, деҳқон фермерлар, механизатор, теримчи ва хашарчилар) вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланмоқдалар. Бундан ташқари йирик корхоналар, туман ҳокимликлари, жамоа ташкилотлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, жамоа хўжаликлари ҳам меҳнат пешқадамларини саҳийлик билан тақдирлашмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари йилнинг самарали якунига бағишланган умумхалқ тўй-томошаларини ташкил қилиш, уларнинг шодиёна кунини кунгилли ўтказиш ва мардона меҳнатни рағбатлантириш каби савобли, хайрли ишда алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда.

Мана, Жалолқудуқ тумани меҳнаткашларининг «Ҳосил байрами»га бағишланган тантанали йиғилишидамиз. Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Азизбек Содиқов донгдор жалолқудуқликларни 1997 йилдаги улкан меҳнат зафарлари билан муборакбод этаркан, бирлашма раёсати туманнинг пахта йиғим-теримида ғолибликка эришган хўжаликларга имтиёзли йўлланмалар ҳамда илғор талаба ёшларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашга қарор қилганини маълум қилди ва туман ҳокими республика Олий Мажлиси депутати Манзурахон Эгамовага сиҳатгоҳларда дам олиш учун жами 100 минг сўмлик йўлланмаларни қарсаклар остида топширди. Касаба уюшмаларининг худди шундай мукофотига тумандаги «Ёрқинлоқ» корпорацияси ҳам сазовор бўлган эди. Корпорация жамоаси 1997 йилда ғалла тайёрлаш режасини 135 фоизга, пахта тайёрлаш режасини 141 фоизга адо этди. Бирлашма раиси хўжалик вакилларини ҳам 100 минг сўм қимматга эга бўлган сиҳатгоҳ йўлланмалари билан қутлади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари «Ҳосил байрами» муносабати билан меҳнат ғолибларини рағбатлантириш ва уларнинг шу кунги ўйин кулгиларни ташкил этишга жами етти юз минг сўмдан ортиқ маблағ сарфладилар.

Жойлардаги оммавий тўй-томошалар қишлоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, 1998 йилда 1997 йилги муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш шиори остида ўтмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.

УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Шавкат ЗАЙНИДДИНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Мустақил Ўзбекистонимизда халқ фаровонлигини ўйлаб жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. 1998 йилнинг «Оила йили» деб аталиши оилаларнинг ҳаётий даражасини оширишда ҳам моддий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий ташаббус бўлиб ҳисобланади. Шундай мураккаб ва эзгу ишларни амалга оширишда олимлар ва иқтисодчилар ҳам ўз меҳнатларини аямайдилар. Улар ҳам республикамиз иқтисодини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларига улкан ҳисса қўшадилар, деб ишонаман.

Олдимизда катта вазифалар турибди. Бу вазифалар ҳар бир инсонга, у ким ва қандай вазифада бўлмасин, барчамизга катта масъулият юклайди. Қишлоқ хўжалигини кўтариш, мамлакат макроиқтисодини ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва миллий даромаднинг ўсиши республика иқтисодини мустаҳкамлайди. Бунинг учун ҳаммамиз виждонан меҳнат қилишимиз керак.

ҚЎШИҚЛАРИМИЗ КЎПАЙСИН

Ориф ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Йиллан кутаётган умидларим кўп. Истагим шуки, ҳар бир хонадонда дутор бўлса! Чунки у маънавиятимизнинг тимсолидир. Миллий мусиқа ва қўшиқларимиз кўпайсин. Нега десангиз яхши қўшиқ ва куй инсон қалбини поклайди. Эзгу ишларга чорлайди. 1998 йил «Оила йили»да бахтли оилалар кўпайсин. Ҳар бир хонадонда «Муножот» куйи янграб турсин. Ана шунда имон-эътиқодли, меҳр-муҳаббатли, мурувват ва садоқатли олиму зукко, баркамол инсонлар етишиб чиқади. Энг олий неъмат-юртимизда тинчлик, фаровонлик, дўстлик абадий бўлсин.

Касаба уюшма ҳаёти

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ЧЕКЛАНМАЯПТИМИ?

Республикамиз демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил бормоқда. Касаба уюшмалари муштараклик билан меҳнаткашларни ижтиомий — иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Бу ҳуқуқий меъёр касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастурида ҳам ўз аксини топган. Инсон манфаатлари йилида бу йўналиш мазмунан ва шаклан бойиди. Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раисининг ўринбосари Михаил Суренович ПЕТРОСЯН билан суҳбатиш ана шу мавзуда бўлди.

— Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Корхоналарда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва касаба уюшма ҳимоя вазифалари, тўғрироғи бурчларини қандай бажараётганликлари Марказий қўмитанинг доимий назоратидадир. Узоққа бормайликда, энг кейинги тадбиримиз ҳақида сўз юрита қолайлик. Декабрь ойида Марказий қўмита «Тошуйжойинвестқурилиш» молия қурилиш корпорациясининг ҳиссадорлик жамиятларида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва касаба уюшмаси қўмиталарининг ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Аввало шуни айтиш керакки, мазкур корхона тармоғимиздаги деярлик энг йирик хўжалик — 16та йирик ҳиссадорлик жамиятига эга. Бу ерда қурилиш тизимидаги деярлик ҳамма бўғин бор. Мазкур катта текширув маълум тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд илғор тажрибаларни республика бўйича оммалаштириш, шу билан бир қаторда фаолиятга танқидий нуқтаи назардан қараб камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш имконини берди. Хуллаcи калом, бу тадбир катта ва мараккаб лаборатория тадқиқоти иши ўрнини ўташи керак ва у режамизда белгиланган эди. Мақсадимизни ойдинроқ билдириш учун яна айрим фикрларимни айтиб ўтишни ўринли деб биламан. Ҳаммага маълум, 1996 йил апрель ойида Республика Меҳнат Кодекси кучга кирди. Бу юксак даражада тузилган ва халқаро меъёрлар талабига жавоб берувчи, мустақил Ўзбекистоннинг олий ҳужжатларидан биридир. Ана шу ҳужжат асосида «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси билан тармоқ битимини тузиб, унга қонунчилик бузилмаган ҳолда, оширилган имтиёз ва кафолатларни киритишга муваффақ бўлган эдик. Унга мувофиқ корпорацияга қарашли ҳиссадорлик жамиятларида жамоа шартномалари тузилган. Ходимларнинг битимда белгиланган қонуний ҳуқуқлари, берилган қўшимча имтиёзлар қандай бажарилмоқда ва бу масалалар касаба уюшма қўмиталари томонидан қандай назорат қилинаётганлиги текширувнинг асосий йўналишларидан бири бўлди.

— Текширув натижалари юзасидан мисоллар келтирсангиз.

— Текширилган ҳиссадорлик жамиятлари ва уларнинг бўлинмаларида бу борада бир қатор ишлар қилинган бўлса-да, қатор қонунбузарликлар, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаш ҳоллари аниқланди.

Кўп жойларда Меҳнат Кодекси 100-моддасининг 4-банди, яъни иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасининг тўхтатилиши бузилган. Кадрлар бўлимлари ходимлари узоқ вақт ишга чиқмаган ёки ишни ташлаб кетганларга шу мазкур бандни қўллаганлар. Бу бандни фақат ички меҳнат интизоми ёки меҳнат шартномасига биноан бир марта меҳнат интизомини қўпол равишда бузганларга нисбатан қўллаш мумкин. Лекин бу ички меҳнат интизоми тартиби корхона маъмурияти томонидан қабул қилинган ва касаба уюшма қўмитаси билан келишилган бўлмоғи керак. Шундагина 100-модданинг 4-бандини қўллаш мумкин.

Меҳнат таътиллари учун пул тўлаш муддатларининг бузилиш ҳоллари кўп. Масалан, «Тошқурилиштранс» ҳиссадорлик жамиятида 1997 йил январидан октябрь ойигача 1021 ишчи-хизматчига меҳнат таътили берилиб, улардан 374 нафарига ўз вақтида пулларини олганлар холос. Тўғри, пулни вақтида бермасликка асосий сабаб ҳиссадорлик жамияти ҳисоб рақамида маблағнинг етишмаслиги бўлган. Лекин бу билан уларни оқлаб бўлмайди. Бу борада корпорациянинг ёрдами таъминланмоғи даркор эди. Шунинг учун ҳам бу масалада Марказий қўмитанинг қарорида «Тошуйжойинвестқурилиш» қурилиш молия корпорацияси зиммасига вазифалар тавсия этилди.

Корпорация бўйича текширилган 11 ҳиссадорлик жамиятидан фақат учтасидагина Меҳнат Кодексининг 137-моддаси ижроси таъминланган холос. Бу ерда гап иш жойларини аттестация қилиш ва ундан келиб чиқиб ноқулай иш шароитларида ишловчиларга имтиёзлар бериш ҳусусан, қўшимча таътиллар бериш, қисқа иш ҳафталарини белгилаш, имтиёзли пенсия ҳақида кетмоқда. Бу борада қонун-қоидаларни бузиш холлари кўпроқ учрамоқда.

Хўш, бунга сабаб нима? Раҳбар кадрлар, кадрлар бўлимлари ходимлари ҳуқуқий билимлари етарли эмас ёки меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари қўпол равишда бузилмоқда. Демак, бу жойларда касаба уюшма қўмиталари талаб даражасида ишламаяптилар.

Текширувда иш вақти ва дам олиш тартибларига риоя қилинмаётган ҳоллар аниқланди. Айрим ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари муҳим объект баҳосини қилиб, қонунчиликни бузмоқдалар. Қатор объектларда дам олиш кунлари ва асосий иш вақтидан ташқари вақтда ишлатиш ҳоллари юз бермоқда. Меҳнат Кодексига биноан асосий иш вақтидан ташқари фуқаро бир йилда 120 соатгача ишга жалб этилиши мумкин. Ундан ортиқ бўлса инсон ҳуқуқларининг бузилиши демакдир. Масалан, «Тошмуҳандисқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида 8-қурилиш бошқармасининг Мирасланов бошлиқ бригада аъзолари август ва сентябрь ойларининг ўзида асосий ишдан ташқари 1160 соат ишлаганлар ёки киши бошига 144 соатдан тўғри келган. Ахир бу ниҳоят даражада қонунбузарлик-ку.

Текширув натижалари жойларда ҳам муҳокама этилди. Тегишли чоралар курилди. Қатор ҳиссадорлик жамиятларида меъёрдаги иш вақти ва дам олишни тўғри ташкил этиш мақсадида сирғанувчан иш жадваллари тузилди.

Текширув давомида жойларда меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилаётгани ҳам аниқланди. Техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси кўпгина корхоналарда талабга жавоб бермайди.

«Тошқурилиштранс», «Сифат», «Тошмуҳандисқурилиш», «Тошчетэлқурилиш», «Тошқурилишмеханизация» ва бошқа ҳиссадорлик жамиятлари қатор бўлимларида ноқулай иш шароитида ишловчиларга узоқ вақтдан бери сут, махсус иш кийимлари, якка ҳимоя воситалари ўз вақтида берилмётганлиги ва мунтазам таъминланмаётганлиги аниқланди.

Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан «Тошуйжойинвестқурилиш» молия қурилиш корпорацияси ўртасида тузилган Битимдаги бир қатор қўшимча имтиёз ва кафолатлар ҳиссадорлик жамиятлари жамоа шартномаларига киритилмагани маълум бўлди.

Шубҳасиз бундай камчиликлар касаба уюшма ташкилотларининг талаб даражасида ишламаётганлигини кўрсатади. Айрим касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ташаббус кўрсата олмаяптилар.

Текширув натижалари барча ҳиссадорлик жамиятларида муҳокама этилди, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Қаттиқ талаблар қўйилди.

Марказий қўмитага келаётган жавобларда бу нарса яққол сезилмоқда. Тузилган тадбирларни бир қисми ҳозиржавоблик билан адо этилган. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлари тикланган. Чунончи, текширув хулосасига кўра «Тошқурилиштранс» ҳиссадорлик жамиятида зарарли шароитда ишловчи ходимлар даромад солиғи ва таътил пуллари қайта ҳисобланган. Натижада зарарли шароитда ишлаётган 10 ишчи-хизматчига 32 минг сўм, худди шундай шароитда ишлаган 341 ходимга меҳнат таътили учун 260 минг сўм қайтариб берилди.

— Бугун тармоқдаги барча корхоналар янги иқтисодий шароитларда ишламоқдалар. Шундай ҳолатда касаба уюшмаси қўмитаси олдида қандай вазифалар турибди.

— Бу савол анча мураккаб ва кўп нарсани қамраб олади. Биринчидан, касаба уюшма қўмитаси замон талабларига хозиржавоб бўлиши, ишчан бўлмоғи даркор. Шу билан бир қаторда касаба уюшма қўмитаси аъзолари, биринчи галда унинг етакчиси юқори даражада билимга эга бўлмоғи лозим. Шубҳасиз касаба уюшма органлари энг катта эътиборни касаба уюшма фаолларини тайёрлаш ва юқори савияда ўқитишга бермоқлари зарур. Фақат юқори даражада билимли, бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган касаба уюшма фаолларигина меҳнаткашларни тўла ҳимоя қила олишлари мумкин. Афсуски, бу борада камчиликлар кам эмас. Ахир ҳуқуқий билими етарли бўлмаган ёки қонунларни яхши билмаган ёки ўз устида ишламайдиган касаба уюшма етакчиси ёки фаоллар ҳозирги қийин моддий шароитда меҳнаткашни етарли даражада ҳимоя қила оладиларми? Албатта йўқ. Биз касаба уюшмаси деганда кимга қанча сўмлик моддий ёрдам берилди, дам олишга нечта йўлланма ажратилди, нечта касални бориб кўрилди каби жўн ишлар билан шуғулланувчи ташкилот эмас, жанговар, билимдон, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари, ишлаб чиқариш ижтимоий масалалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя билан шуғулланувчи забардаст ҳимоя ташкилотини билишимиз даркор. Шунинг учун ҳам кадрларни ўқитиш, билимларини ошириб бориш, жойлардаги илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва оммавийлаштириш, хусусан, ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларига катта эътибор билан қараяпмиз.

Будир ПЎЛАТОВ.

Оқ олтин туманидаги «Туркистон» ширкатида 383 гектар экин майдонлари мавжуд. Шу кунларда бу ерда раис Раззоқ Аллаёров етакчилигида келгуси ҳосил учун пухта замин яратиляпти.

Суратда: *(чапдан) механизатор Умарали Парпиев, Раззоқ Аллаёров.*

Н.Алмуродов олган сурат

ҚИШКИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Кумуш қиш фасли болаларни яшил арча атрофидаги кувноқ кулгулари, эртаклар оламига етакловчи байрам томошалари билан янада гузал ҳамда эсда қоларлидир.

Янги йил шодиёналари мазмунли ва мароқли ўтиши учун белгиланган тадбирларга мувофиқ Тошкент давлат циркида, В.Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасида ва шаҳар ёшларининг «Камолот» жамғармаси залида умумшаҳар янги йил арча байрами томошалари намойиш этилмоқда.

Азиз болалар яшил арча атрофидаги қувноқлар даврасида яйраб, севимли эртаклар оламига саёҳат қилиб, завқшавққа тўладилар, моҳир санъаткорлар ижросидаги ажойиб саҳна асарларидан баҳраманд бўлиб, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

1997 йилнинг 30 декабр - 1998 йилнинг 10 январ кунларида стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида қишки оромгоҳларни ташкил этиш режалаштирилиб, гўзал табиат гўшаларида жойлашган «Семурғ» оромгоҳида 300 нафар, «Эльбурс» оромгоҳида 400 нафар, «Камалак» оромгоҳида 120 нафар, «Меҳржон» оромгоҳида эса 150 нафар жаъми 1000 нафар болалар дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Оромгоҳларга йўлланманинг 10 фоизини ота-оналар тўлаб, қолган қисми эса касаба уюшмалари томонидан қопланади.

Қишки таътил кунларида Тошкент шаҳридаги арча байрамларида 190 минг нафардан зиёд ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради ва қорбобо қорқиз даврасида бўлишади.

У.ПЎЛАТОВ.

Ижтимоий ҳимоя

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БИЛАН...

Шаҳрисабз пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Китоб ва Шаҳрисабз туманларида етиштирилган пахтани қабул қилади ва қайта ишлайди.

- Корхонамиз ихтиёрида 13 та цех ва 6 та пахта қабул қилиш шаҳобчалари мавжуд. Уларда жами 610 нафар киши меҳнат қилади,- дейди биз билан суҳбатда жамият касаба уюшма қўмитасининг раиси Ориф Эргашев.- Биз маъмурият билан биргаликда ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, дам олишлари, даволанишлари, яшаш шароитларини яхшилаш, умуман ижтимоий ҳимоялаш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланаяпмиз.

1997 йил- инсон манфаатлари йилида корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси қатор тадбирлар белгилаб, муайян ишларни амалга оширмоқда.

Корхонада маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ишчилар махсус кийим бош, ҳимоя воситалари, сут-қатиқ билан таъминланиб келинмоқда. Ҳар бир ишчига ойига 500 сўмдан овқат пули, арзон нархларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериб борилмоқда.

Бу ерда ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида кам даромадли, кўп болали оилаларга 84 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-хизматчиларни санаторийларда дам олдириб, саломатликларини тиклашга 500 минг сўм сарф қилинди. Касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 7 киши бепул йўлланма билан даволаниб қайтди. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларидан 120 нафари сўлим Мироқи қўрғонидаги «Лочин» болалар оромгоҳида бепул йўлланма билан дам олиб келишди. Бундан ташқари, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси тўй ва дафн маросимларига ҳам маълум миқдорда маблағлар ажратмоқда. Бир нафар уруш ногиронига бепул уй қуриб берилди.

Бу йилги 8 март, «Наврўз» байрамларида илғорларга пул ва қимматбаҳо буюмлар совға қилинди.

Корхона ҳузурида ишчи-хизматчиларга магазин, ошхона, чойхона, сартарошхона, дорихона, физиотерапия хонаси, тиббиёт пункти, бичиш-тикиш цехи ва бошқа маданий-маиший шаҳобчалар хизмат кўрсатаяпти. 10 мингта яқин китоб жамғармасига эга бўлган корхона кутубхонаси ишчи-хизматчилар билан доимо гавжум. Ҳозир завод қошида қурилаётган соғломлаштириш мажмуи ишга тушиш арафасида.

Қаршибой БЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти.

ОИЛА ВА ТЎЙЛАР ЙИЛИ БЎЛАДИ

Ўтган йил ҳар биримизнинг хотирамизда ўчмас из қолдирди. Деҳқон-у чорвадорларимиз ютуғи мўл бўлди. Пахта, ғалла, пилла, полиз-сабзавот, мева етиштириш ва сотиш шартномалари бажарилди. Энг муҳими, юртимиз тинчлиги, осойишталиги янада мустаҳкамланди. Осмонимиз ҳар қачонгидан ҳам мусаффо бўлди.

Бизнинг «Қирққизобод» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасидаги 16-мактабда ҳам хайрли ишлар қилинди. Қатор ислоҳотлар ҳаётга изчил жорий этилаётир. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг, «Миллий кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Дастурнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширалаётгани айни муддао бўлди. Жамоамиз шу ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатмоқда.

Узим бошланғич синфларда дарс бераман. Синфимда 26 нафар ўғил-қизлар бор. Барча дарслар лотин ёзувида ўтилмоқда. Ўқувчилар уни тез ўзлаштирмоқда. Бунга-дарсликлар, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш кўнгилдагидек бўлгани асосий омил бўлди.

Янги йилимиз, иншоолоҳ, қутлуғ бўлади. Бунинг боиси бор. Президентимиз ҳурматли Ислом Каримов 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилди. Бу — оилага бўлган беқиёс-ғамхўрликнинг намунаси деб биламиз. Чунки оила ва мактаб-бир бири билан чамбарча боғликдир.

Шубҳасиз, осайишта ва тинч Ватанимизда «Оила йили» барча оилаларимизда тўйлар, яхши кунлар, бахт-саодат йили бўлиб қолади.

Зокиржон ҚУРБОНБОЕВ,
мактаб касабақўм аъзоси.

Халқ таълими тизими

Ислоҳотлар истиқболга хизмат қилади

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Назиржон ака Ҳакимов билан қилган суҳбатимиз мавзуси ўтган олти йил мобайнида вилоят халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида бўлди.

— Назиржон ака, айтингчи, вилоят халқ таълими соҳасида тубдан сифат ўзгаришлари ясашга асосан нималар омил бўлиб хизмат қилмоқда?

— Дарҳақиқат жамиятимиздаги кечаётган шиддатли ўзгаришлар, бугунги кунда ўз мавқеини тиклаб олган, янги турдаги янги мактаблар таъсирида умумтаълим мактабларимизда ҳам таълим-тарбия сифати сезиларли даражада ўсди. Айниқса, буни бошланғич таълимда яққол кўриш мумкин. Шуни очиқ айтиш керакки, вилоятимиз бошланғич талим соҳасида Фарғона тажриба мактаби яратилди ва у шаклланди. Вилоятимизда машҳур педагог Мамажон ака Абдурасуловдек фаол ишлаётган унинг 200 дан ортиқ издошлари етишиб чиқди. Бунинг натижасида болаларимиз ҳуснихат ўқиш ва ўқиш даражалари қувонарли тарзда ўсди. Сўнгги йилларда бу борада ўтказилаётган турли танлов, баҳс ва кўргазмали кенгашлар ҳам ишнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугун вилоятда бошланғич таълим сифат кўрсаткичи 80 фоиздан юқори бўлишига эришилди.

Маълумки, олий ўқув юртларига қабул жараёни ислоҳ қилингач, тест синовлари одатдаги тартибга айланиб қолди. Натижада мактабда бола билими ўлчови билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ўлчов баҳо мезонлари ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлди. Ҳаёт жамиятдаги ислоҳотлар мактабдаги баҳолашнинг беш йиллик тизимини ўзгартиришни тақозо этди. Бунинг натижасида бугун ўқувчи билимини рейтинг усулида барча мактабарда, гимназия ва лицейларимизда ҳунар лицейларида ўқувчилар билимини кўп баллик система асосида баҳоланмоқда. Рейтинг усулининг назарий асослари ўқитувчиларимизга етказилди ва сингдирилди. Дунёнинг ривожланган давлатларида синовдан ўтган бу илғор усул ҳар йили ўтказилаётган фанлар олимпиадаларида ўз самарасини кўрсатди. Ўқувчиларимиз ички бир табиий истак ва хоҳиш билан илм олишга одатланмоқда. Рейтинг усули туфайли бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқувчи «ҳар ким меҳнатига яраша» деган ақида болаларимиз руҳиятида шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси том маънода маънавиятга бағишланди, десак муболаға бўлмас. Мазкур сессия «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастурни қабул қилди. Ҳукуматимиз маънавий баркамол, юксак касбкор малакасига эга бўлган миллий кадрлар тайёрлаш дастурини белгилаб, бутун ишни шу асосда ташкил этишни жамиятимиз олдига қўйди. Бу аҳамиятли ҳужжатларда халқ маорифи тизимида амалга ошириладиган ишлар аниқ қилиб кўрсатиб берилди.

Вилоятимиздаги 885 та умумтаълим мактабларида 549 минг 900 нафар бола таълим-тарбия олмоқда. Мактаб ўқувчиларига касб сирларини ўргатиш, касб малакасини ҳосил қилиш борасида мактаблар билан касб — ҳунар таълими ўқув юртлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўқувчиларимиз мактаб ўриндиғиданоқ халқимиз азалдан ардоқлаб келган миллий ҳунар ва касб сирларини пухта эгаллашларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бунда уста-шогирд муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш диққат марказимизда турибди.

Маълумки, ислоҳотлар ўз-ўзидан амалга ошиб кетмайди. Унинг қандай кечиш кўлами шу жамиятда яшаб меҳнат қилаётган фуқароларнинг маънавиятига, руҳиятига, маданийлигига, билимдонлиги даражасига боғлиқ. Албатта маънавият, маърифат ва билим мактабда берилади. Демак мустақил Ўзбекистоннинг эртанги куни қандай ҳолатда бўлиши бугун боғча ва мактабда билим олаётган ёш авлодни қай даражада тарбияланишига боғлиқдир. Халқ таълими тизимида ҳам ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Юртбошимиз иборали билан айтганда бу борада янгисини қурмай туриб, эски уйни бузмаслик йўлидан бориляпти. Эскидан янги фикр, янгича мақсадлар асосида фойдаланиш ҳам улкан ислоҳотдир.

Бундан 7 — 8 йил муқаддам гимназия, лицей, боғча-гимназия, лицей-интернат каби сўзлар кишиларимиз учун ёт атамалар эди. Бугун бу атамалар реал воқеликка айланибгина қолмай, балки улар юртимиз келажаги учун хизмат қилмоқда. Бугун вилоятимизда 52 та ана шундай янги турдаги ўқув масканлари ишлаб турибди. Уларда халқимизнинг 6350 дан ортиқ иқтидорли болалари таълим олмоқда. Бугун Фарғона маорифчилари Марғилондаги «Истиқбол» гимназияси, Фарғона шаҳридаги 1-гимназия лицейи, ўзбек-турк лицейлари билан ҳақли равишда фахрланмоқда.

Хўш, бундай янги типдаги мактаблар бизга нималар берди? Аввало иқтидорли болаларни саралаб жаҳон андозаларига мос таълим бериш тизими имкониятларини амалда кўрсатиб, асослаб берди. Иккинчидан, болаларимизда (педагогларимизда ҳам) ўзига, ўз кучига ишончни туғдирди ва шакллантирди. Учинчидан, иккиланмасдан бутун хорижда қўлланилаётган илғор ўқитиш усуллари ва воситаларини амалиётга тадбиқ этиш мумкинлигини кўрсатди. Тўртинчидан, кўп йиллар давомида олий ўқув юртларига қабул қилишдаги қинғирликлар ва бу борадаги қотиб қолган қарашларни бутунлай чилпарчин қилди. Агар мисолларга мурожаат қилсак 1996-97 ўқув йилида гимназия ва лицейларни тамомлаган ўқувчиларнинг 68,6 фоизи тест синовларидан аъло даражада ўтишиб, республикамиз олий ўқув юртлари талабалари бўлдилар. Тошлоқ туманидаги 1-лицей интернатнинг 16 битирувчисидан 15 нафари, Фарғона шаҳридаги «Ҳамкорлик» лицейни битирган ўқувчиларнинг 94,9 фоизи бугун олий ўқув юртларида энг аълочи талабалар қаторида билим олмоқдалар.

— Муаммолар ҳам бордир?

— Шуни очиқ тан олиш керакки, ўқитувчилар тоифаларини кўтариш, улар таркибини яхшилаш педагогик салоҳиятига аниқ баҳо бериш, моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш, маънавий билимлар билан қуроллантириш, шунингдек, ўқувчиларни мактабда овқатлантириш, боғчалар фаолияти, уй боғчаларини янада жонлантириш каби масалаларда ҳам қилиниши зарур бўлган камчилик ва муаммолар кўп. Биз бугун барча имкониятларимизни ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратганмиз.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:
Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмаларида

ҲИСОБОТ ЯКУНЛАНМАДИ...

авиаходимлар касаба уюшмаси МҚ раёсати кенгашидан

Раёсатнинг навбатдаги кенгашида кўрилган асосий масалалардан бири «Андижон» аэропорти маъмурияти ва касаба қўмитасининг ходимларни ижтимоий — иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш фаолияти бўйича ҳисоботи бўлди. Бу масалани кўриб чиқиш турли сабабларга кўра бир неча бор кўчирилгани боис, ўтган вақт мобайнида анжидонликлар бир қатор текширувларда қайд этилган камчиликларни бартараф этиб, МҚ раёсатидаги ҳисоботлари яхши ўтишига ишонган эдик. Бироқ бундай бўлмади. Биринчидан, ишлаб чиқаришдаги зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар туфайли «Андижон» аэропорти директори Воҳиджон Икромов мажлисга етиб келолмади ва барча оғирлик касаба қўмитаси раиси Абдуқаюм Ҳалилов зиммасига тушди. Иккинчидан, касаба уюшмаси қўмитасида фақатгина касаба уюшмаси фаолиятининг айрим масалалари билан фаол шуғулланилиб, бошқалари эътибордан четда қолган. Келинг, барчасини бир четдан кўриб чиқайлик...

Охирги икки йил мобайнида андижонликлар жуда кўп ишларни амалга оширишди. Аэропортда сезиларли ўзгаришлар юз берди: расмий делегация ва халқаро авиайўналишлар зали қурилди, авиаперрон кенгайтирилди, Ту-154 самолётлари учун янги туриш жойлари пайдо бўлди, ободонлаштириш бўйича катта ишлар қилинди. Бу ишда вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари томонидан авиаходимларга кўрсатилган катта ёрдамни алоҳида қайд этиш лозим.

Маъмурият ва касаба қўмитаси ходимларга ғамхўрлик қилиб, иш ҳажмини кўпайтириш ҳисобига штатларни қисқартириш оқибатларини юмшатишга ҳаракат қилди. Ёзги мавсумда Москвага яна бир қатнов йўлга қўйилди. Новосибирсклик авиаторлар Андижонга парвозларни ҳафтада икки маротаба амалга ошира бошлашди. Ойига икки маротаба Деҳлига чартер қатновлар йўлга қўйилди. Буларнинг бари иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаб, малакали ходимларни сақлаб қолиш имконини берди. Перьм ва Омск шаҳарлари билан ҳаво алоқасини йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилаётган бугунги кунда штатларни қисқартириш эмас, аксинча кенгайтириш ҳақида ўйлаш вақти келди. Таҳлиллар натижасига қарайдиган бўлсак, эртанги кунга умид билан боқиш мумкин.

Тушумларнинг ортиши ҳисобига авиаходимларимизни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги кўп ишларни амалга оширишга имкон яратилди. Моддий ёрдам кўрсатишга маблағлар ажратилмоқда. Ўтган йили санаторийларда даволаниш учун 8 та йўлланма олинди. Дам олиш зонасига икки кунлик оммавий чиқишлар ташкил қилинди. Фахрийларни ҳам унутмай, барча байрамларга таклиф этиб, совғалар топширилди ва моддий ёрдам кўрсатилди. Қисқаси, маъмурият ва касаба қўмитаси ходимларга, айниқса ёрдамга муҳтожларга имкони борича кўмаклашмоқда. Бу ишларнинг барчаси мақтовга лойиқ, албатта.

Лекин касаба уюшмаси фаолияти моддий ёрдам кўрсатиш, йўлланмалар олиш ва турли байрам табирларини ўтказиш учун маблағ ажратиш билан чекланмайди. Касаба қўмиталари ишининг муҳим йўналишларидан бири, жумладан, техника хавфсизлигига риоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини назорат этишдир.

Афсуски, андижонликлар айнан шу борада оқсашмоқда. Касаба қўмитаси раиси ўз ҳисоботида ишчилар сут, ювиш воситалари, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганини таъкидлаганини айтиб ўтиш жоиз. Меҳнатнинг зарарли шароитлари учун лозим бўлган тўловлар амалга оширилди. Низомда кўзда тутилмаган бўлса-да, касаба уюшмаси конференцияси қарорига мувофиқ электрчиларга ҳам қишки махсус кийим-бош ажратилди. Утган йилнинг фақат 11 ойи мобайнида меҳнатни ҳимоя қилиш тадбирларига 72 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Абдуқаюм Халилов бу йўналишда камчиликлар ҳам борлигини рўйи-рост тан олди.

Бироқ, раёсат аъзолари ва касаба уюшмаси МҚ бош техник нозири Дамир Куняшевнинг фикрича, шунча амалга оширилган ишларга қарамай ҳали бир талай камчиликлар мавжуд. Аэропортда «МАКда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилиш ҳақидаги кўрсатма» талабларига риоя этилмаяпти — ММКда маъмурий-жамоатчилик назорати ўтказилмаяпти, меҳнатни моҳофаза қилиш муҳандисининг қайдномаси 1997 йил июль ойининг бошларида тузилган, ММ бўйича маъмурият ва касаба қўмитасининг биргаликдаги далолатномасининг эса 1994 йил март ойида қайд этилганидан бошқа бирортасини ҳам аэропортдагилар кўрсата олишмади. Аэропортда меҳнат шароитлари бўйича иш ўринлари аттестациядан ўтказилмайди. Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар талаблардан чекинган ҳолда тузилган ва расмийлаштирилган. Кўтарма кран ва босим билан ишлайдиган ускуналарнинг ўрнатилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари бузилмоқда ва ҳ. к.

Афсуски, «Андижон» аэропорти меҳнат муҳофазаси бўйича вакилининг меҳнат хавфсизлиги масалаларига доир таклифларига маъмурият томонидан етарлича эътибор берилмаяпти.

Андижон аэропортидаги меҳнат муҳофазасининг қониқарсиз ҳолатга тушиши сабабларини аниқлаб, раёсат аъзолари касаба қўмитаси раиси ва меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис, [illegible]ни ижрочи ва назорат этувчи лавозимларда Халилов фаолият кўрсатаётганига дуч келишди. Демак, касаба қўмитаси раиси Халилов ММ бўйича муҳандис Халиловнинг ишдаги камчиликларини текширади ва бунга жавобгар ҳам яна ўша Халиловнинг ўзи.

Бундан ташқари касаба қўмитаси раиси зиммасига маъмурият томонидан бир қатор меъёридан ортиқ вазифалар (масалан, ходимлар бўлими нозири) юклатилган бўлиб, фақатгина охирги пайтларда бир қанча топшириқлардан озод этилиши айнан касаба уюшмаси ишига эътиборни кўпроқ қаратиш имконини берди.

Муҳокамадан сўнг авиаходимлар касаба уюшмаси МҚ раёсати тегишли қарор қабул қилди. «Андижон» аэропорти маъмуриятига авиаходимларнинг меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш ва таъминлаш борасидаги ишида йўл қўйилган барча камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриш тавсия этилди. Умуман маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитасининг авиаходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш иши (меҳнат муҳофазаси бўйича фаолият бундан мустасно) қониқарли деб топилди. Касаба қўмитаси раисига вазиятни яхшилаш учун вақт берилди. Демак, унинг касаба уюшмаси МҚ раёсати кенгашида берган ҳисоботи ниҳоясига етди деб бўлмайди...

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ

Бағдод ва Учкўприк туманида Зиёвиддин Каттахўжа ўғли Ҳазиний (1817-1923) таваллудининг 130 йиллигига атаб хотира кечаси ўтказилди. Ҳазиний номидаги 10-мактаб ўқувчилари томонидан шоир хотирасига бағишланган адабий композиция ижро этилди.

Хотира кечаси Учкўприкдаги шоир уй музейида давом эттирилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Азимов, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси Х.Тўхтабоев, Қўқон адабиёт музейининг илмий ходими А.Мадаминов ва бошқалар қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар сўфий шоир Ҳазиний ҳаёти, ижодининг аҳамияти хусусида гапирдилар. Жумладан, шоирнинг 147 янги шеъри топилганлиги қайд этилди. Янги топилган шеърлар «Маънавият» нашриёти томонидан нашрга тайёрланаётганлиги ҳаммани хурсанд қилди.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

Сарҳисоб

ҚЎРИҚНИНГ МЎЛ ПАХТАСИ

Пахта тайёрлаш режасини Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб бажарган уюшмамиз йилни салкам 2 минг тонна қўриқ пахтасини давлатга сотиш билан якунлади. Бунга бизнинг фермерларимиз ҳам салмоқли улуш қўшди. Мавжуд 62 гектарга чигит экиб, шартномавий режани бир ярим ҳиссага ортиғи билан уриниладик. Қаҳрамон Иброҳимов, Рўзимбой Бобожонов, Хушрўй Эшмуродовалар раҳбарлик қилган оилавий фермерлар эса гектарига ўртача 40 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олишди. Бунинг барчаси мулк шакли ўзгариб, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилгани, аниқроғи фермер хўжаликлар вужудга келгани сабабли бўлди. Чунки ерга қанчалик меҳру муҳаббат билан муносабатда бўлсак, кўп, сифатли ва арзон хомашё етиштирсак, даромадимиз ҳам шунчалик кўп бўлишини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Яна бир муҳим жиҳати, ойлик иш ҳақларини ҳам вақтида оламиз. Худди шундай бўлди ҳам, ҳар бир фермер оиласи йил давомида мунтазам бўлмаса ҳам иш ҳақи олиб турди, йил охирида ўртача 4 минг сўмдан қўшимча даромад олади. Бундан ташқари режани бир ярим ҳисса бажарганимиз боис ўтган йилга нисбатан икки ҳисса кўп пахта ёғи, кунжара, шелуха оламиз.

Уюшмамиздаги Р.Матупоев, У.Урозшоев, Р.Явбосаров, Э.Нуримов, О.Худойберганов сингари бош фермерлар эришган муваффақиятлар ҳам чакки бўлмади.

Бир сўз билан айтганда, уюшмамизда деҳқончиликка муносабат тубдан ўзгарди. Ҳар бир фермер ўз ишини билиб қиладиган бўлди. Бу ҳолат уларнинг келаси йилга ҳам пухта тайёргарлик кураётганида ўз аксини топмоқда. Ерлар ҳайдалди. Далага кўпроқ маҳаллий ўғит чиқазиш ҳаракати авж олиб кетди. Хуллас, деҳқонларимизнинг асосий мақсади келаси йили ҳам қўриқнинг мўл пахтасини тайёрлашга қаратилгандир.

Сапарбой ШОМУРОДОВ,
«Элликқалъа»
деҳқон фермерлар
уюшмаси бош фермери

ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

СУҒУРТАНИНГ ФОЙДАСИ КЎП...

Матлубот кооперацияси ихтиёрида бир қанча мол-мулк, иншоотлар мавжуд. Уларни муҳофаза қилиш, турли офат-фалокатлардан асраш асло унутилмаслиги лозим. «Ўзбекбирлашув» бошқаруви қошидаги суғурта жамғармаси кенгаши ва унинг вилоятлардаги бўлимлари «Матлубот ширкатлари ташкилот (корхона)лари мол-мулкининг мажбурий суғурта қилиниши қоидаси»да белгиланган вазифалар бўйича иш олиб боради. Биз Фарғона вилояти Матлубот жамиятлари уюшмаси қошида фаолият кўрсатаётган суғурта бўлими бошлиғи Розиқжон Ахмедов ва бўлим бош ҳисобчиси Олима опа Акрамовалар билан бўлимда амалга оширилаётган ишлар юзасидан суҳбатлашдик.

- Розиқжон ака бўлим бошлиғи сифатида Сиз ўз олдингизда турган вазифалар ва қилинган ишлар тўғрисида сўзлаб берсангиз.

- Бўлимимиз вазифаси давлат суғурта идораларининикидан асосан фарқланмайди. Унинг ўзига хос томони шуки, фақат матлубот кооперациясига қарашли мол-мулкни суғурта қилиш юзасидан шартномалар тузишга қаратилганди. Маълумки, бундай шартномалар табиий офат ва бахтсиз ходисалар (ёнғин, портлаш, сув тошқини ва ер қимирлаши, кучли шамол, жала, дўл, яшин уриши ва бошқа ходисалар)дан келган зарарларни тўла ёки қисман қоплаш мақсадида тузилади, шартнома тузилгандан кейин албатта бўлимимиз зарар қийматини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Ўтган йили 115 та ташкилот билан шартнома тузилди. Қарийб 900 миллион сўмлик қийматга эга бўлган мол-мулк суғурта қилинган бўлиб, улар учун 6 миллион сўмга яқин суғурта тўлови ҳисобланди.

- Кечирасиз, фақат мол-мулк суғурта қилинадими ёки бошқа ҳолатлар ҳам кўзда тутилганми?

- Биз орқали нафақат мол-мулк шунингдек, чорва-ҳайвонлари ишловчиларнинг ҳаёти ва ҳатто экинлар, ўсимликлар ҳам суғурта ҳимоясига олиниши мумкин. Албатта кейингилари ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мисол учун кузда сепилган буғдой ёки бошқа бошоқли экинлар баҳорда униб чиқмаслиги, баъзи ҳолларда умуман унмаслиги мумкин. Агар экилган экинлар тўғрисида биз билан шартнома тузилган бўлса униб чиқмаган уруғлик учун товон тўланади. Ўтган йил биз билан шу тўғрида шартнома тузиб қўйган Фарғона тумани матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик хўжалигига униб чиқмаган экин учун 39 минг сўм товон пули берилди. Бу албатта эътиборга молик янгиликдир.

- Сизлар билан шартнома тузган ташкилотлар пул ўтказиб беришади. Юқорида айтганимиздек, миллионлар тўпланади. Омина опа, айтингчи, фақат келиб тушган пулни санаш, ташкилотма-ташкилот юриб пул ундириш билангина чекланасизларми ёки бошқа, айтайлик, фойдалироқ иш билан шуғулланасизларми? Саволим оғир бўлса, узр сўрайман...

- Йўқ, йўқ, оғир ботгани йўқ. Бу ўринли савол... Бизнинг фаолиятимиз фақат суғурта тўловларини ундириш билангина чекланиб қолмайди. Сиз айтган миллионларнинг тўпланиши эса жуда қийин. Мабодо бироз пул тўпланиб қолса, у ҳам жойини топиб туради. Юқори ташкилот учун ажратмалар ва ўз ҳаражатларимиздан ортганини молиявий ёрдам сифатида суғурта қилдирганларнинг ўзига қарз сифатида қайтарамиз. Ўтган йили 300 минг сўм атрофида қарз кредитлари бердик. Улар асосан уч ойдан олти ойгача берилади. Қолаверса, биз берган кредитлар банкларникидан тенг бараварига оз фоизларда ажратилади. Айни кундаги устамалар 25-30 фоизни ташкил этмоқда.

Бундай қарз кредитлари ўз мол-мулки, асосий воситаларини суғурта қилдирган ва тўлов бадалларини вақтида тўлаган ташкилотларга ажратилади. Улардан келган фойда эса бўлим фаолиятини ривожлантиришга сарфланади.

- Фаолиятни ривожлантириш, деган фикрни қандай тушуниш керак?

- Бу албатта, ходимлар иш ҳақларини ошириб бориш ёки бўлимнинг хос манфаатлари доирасида кечмайди. Суғурта бўлими ходимлари жойларда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича текширишлар ўтказиб, тушунтиришлар олиб боришади, амалий ёрдамлар беришади. Масалан, ёнғин пайтида уни ўчириш учун зарур асбоб-ускуналар билан ташкилотларни таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Бу иш ўтган йили қилинган эди. Бу йил эса уларни қайта текшириш, созлаш, зарур ҳолда янгилаш ишлари амалга оширилади.

Бўлимимиз фақат бахтсиз ҳодисалар пайтидагина эмас, балки унгача ҳам ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилади. Ўз чорвасини ихтиёрий суғурта қилдирган ташкилотга қўй-молларни турли касалликларга қарши эмлаш учун дори-дармонлар ажратиб беради. Албатта, бундай ишлар вилоят санитария-эпидемиология ва ветеринария идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади. Бўлим томонидан зарур маблағи ўтказилгач, улар ҳам ўз навбатида зарур дори-дармонларни етказиб беришади, чорва муолажаси билан шуғулланишади. Бундай имтиёзлар ҳеч қайси суғурта идорасида учрамайди.

Ҳозир якка шахслар суғуртаси бўйича ҳам турли имтиёзларни қўллаш тадбирлари кўрилмоқда. Ўз ҳаёти, соғлиғини ихтиёрий суғурта қилдирган матлубот савдоси ходимлари ҳам олдиндан турли ёрдамларни бериб бориш имкониятлари мавжуд. Фаолиятимизни ривожлантириш, вилоят матлубот ташкилотлари ва ходимларини суғурта қилишда ҳар қандай янгиликни жорий этишга тайёрмиз.

Бу, биз учун ҳам, суғурта қилдирувчи учун ҳам фойдали.

Нажмиддин ИКРОМИЙ,
журналист.

Биздан сўрашсиз...

Саволларга ҳуқуқшунос Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ жавоб беради.

Транспорт, транспорт воситалари яъни шаҳарлараро қатнайдиган автобусларда папирос чекиб пассажирларнинг асабини бузадиганлар бор. Уларга нисбатан жазо борми?

М.Ҳабибуллаев,
Ангрен шаҳри.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 122-моддасида маҳаллий ва узоққа қатнайдиган транспортларда, поездларда, шаҳар ва шаҳарлараро автобусларда чеккан фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солиш мумкин, дейилган.

* * *

Магазиндан яқинда 5 кг. шакар олган эдим, кейин бошқа тарозида ўлчасам 4 кг 60 грамм чиқди. Сотувчига жазо борми?

Азиз Каримжонов,
Тошкент вилояти.

Аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан харидор ҳақидан уриб қолинса Ўзбекистон жиноят кодексининг 187-моддасига асосланиб 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади.

* * *

Яқинда йўл қоидасини бузган ҳолда бир ҳайдовчи автомашинамни уриб катта миқдорда зарар етказди. Автомашинани ремонт қилиш учун 17 минг сўм миқдорида ҳаражат қилиш керак. Жавобгар эса қочиб юрибди.

Шуҳрат Юсупов,
Хоразм вилояти.

Ўзбекистон Гражданлик кодексининг 985 - моддасига асосланиб жавобгар яшайдиган туман судига даъво ариза ёзилади. Суд ҳайъати текшириб чиқиб, ҳужжатлар яъни давлат автомобиль назоратининг маълумотлари, ремонт учун зарарлар рўйхати асосида сизга ундириш ҳақида қарор чиқариб берадилар.

* * *

Даъво муддати қанча вақтгача кучга эга? Мен бир фуқаролик иши бўйича даъво қилмоқчиман. Воқеага икки йил бўлган.

Нодир Исмоилов,
Нукус шаҳри.

1997 йил 1 мартдан кучга киритилган Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 150-моддасига асосан фуқаролик иши бўйича умумий даъво муддати 3 йилгача аҳамиятлидир.

* * *

Бизнинг маҳаллада катта тераклapни ўзбошимчалик қилиб кесиб ташладилар. Бундай шахсларга нисбатан қандай чора қўлланилади.

Н.Маҳмадаминов,
Хива шаҳри.

Усиб турган дов-дарахтларни кесиб ташлаган, шикаст етказган шахсларга нисбатан 1995 йилдан кучга кирган Ўзбекистон маъмурий жавобгарлик кодексининг 162-*моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир бароборича жарима солинади.

* * *

Мен фарзандликка олмоқчи бўлган боланинг фамилияси ва отасининг исмини қонуний тарзда ўз насабимга ўтказмоқчиман. Маслаҳат беринг.

М.Аҳмедов,
Самарқанд шаҳри.

Ўзбекистон Никоҳ ва оила кодексининг 146-моддасига асосан фарзандликка олувчининг илтимосига кўра фарзандликка олувчига фамилия ва ота исми фарзандликка олувчининг фамилия ва исмига қараб берилиши, шунингдек фарзандликка олувчининг исми ўзгартирилиши мумкин, боланинг ота исми шу аёлнинг кўрсатишига қараб белгиланади.

* * *

Мен эримдан болам учун алимент оламан. Лекин бу камлик қилмоқда. Чунки фарзандим сурункали касаллик билан оғрийди. Қўшимча маблағ олишим мумкинми?

Б.Насруллаева,
Нукус шаҳри.

Сиз фарзандингизнинг даволаниши учун Ўзбекистон Никоҳ ва оила кодексининг 99-моддасига биноан қўшимча алимент олишингиз мумкиндир. Ва бунинг учун собиқ эрингизнинг яшаб келаётган туман судига ариза беришингиз керак.

* * *

Яқинда олди-сотди шартномасини тузиш учун нотариал идорасига мурожаат қилдим. Нотариус менга рад жавобини берди.

М.Омонов,
Қарши шаҳри.

Бу ҳақда сиз ҳужжатларни олиб туман судига нотариус ходимининг нотўғри ҳаракатлари устидан шикоят қилишингиз мумкин.

* * *

Бувим вафот этиб мероси менга қолди. Мен меросхўрлик ишимни юритиш учун қариндошлик муносабати фактини аниқлашим мумкинми?

У.Мажидов,
Андижон шаҳри.

Қариндошликни белгилаш учун сизни ва қариндошингизни билган 3 кишидан иборат гувоҳларни, туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаларини, яшаш жойингиздан маълумотнома, вафот этган бувингизнинг никоҳ тўғрисидаги маълумотномасини туман судига топширасиз. 1995 йилдан кучга кирган Ўзбекистон граждан процессуал кодексининг 274-моддасига асосан суд бу масалани ҳал этади.

* * *

Кўпинча қурилиш майдонларида зарарли кимёвий моддалар й тўкилиб ётади. Бундай ҳолатлар учун мазкур шахсларга қандай чора кўрилади?

Иброҳим Алимов,
Тошкент вилояти.

1995 йилдан кучга кирган Ўзбекистон Жиноят кодексининг 201-моддасига асосан заҳарли кимёвий моддалар билан сақлаш муомаласини бузиш қоидалари учун энг кам маош иш ҳақининг 50 бароборидан то 3 йилгача қамоқ жазоси тайинланган.

* * *

Автобусни атайдан яхши таъмирламай йўлга чиққан шахсларга нисбатан жазо борми?

К.Ҳабибуллаев,
Термиз шаҳри.

Транспортдан фойдаланишда ва транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирлаб ҳамда техника воситаларининг носозлигини била туриб ундан фойдаланишга рухсат берган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Жиноят кодексининг 262-моддасига асосан айбдорларга нисбатан 3 йилгача ахлоқ тузатиш колонияларига юборилиши ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

* * *

Яқинда мен Қарши-Самарқанд маршрути бўйича автобусда керосин олиб кетаётган эдим. Милиция ходимлари менга 750 сўм миқдорида жарима солишди. Шу тўғрими?

М.Каримжонов,
Самарқанд вилояти.

Бунинг учун Ўзбекистон республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 142-моддасига асосан транспорт жамоат жойларда, темирйўл транспортларида ёқилғи олиб кетаётган фуқароларга нисбатан энг кам минимал иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима солиш кўзда тутилган.

Саволларга ҳуқуқшунос Ш. КЕЛДИЁРОВА жавоб беради.

— Ишдан бўшаётган ходимларга қандай ҳолларда ишдан бўшатиш нафақалари тўланади. Шу ҳақда тушунтириш берилишини сўрайман.

Д. Раҳимов,
Навоий шаҳри.

— Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 109-моддасига мувофиқ ходимга ишдан бўшатиш нафақаси меҳнат шартномаси қуйидаги асослар билан бекор қилинган ҳолатларда тўланади:

— иш берувчининг ташаббусига биноан ходим ишдан бўшатилганда яъни корхона тугатилган иш жойи ва лавозимлар қисқартирилган ва ҳоказо ҳолларда;

(ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно);

— тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда: масалан, ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

— ходимнинг янгича меҳнат шароитида ишни давом эттиришдан бош тортиши муносабати билан;

— шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда ва меҳнат кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда, ишдан бўшатиш ҳолларида ишдан бўшатиш нафақалари тўланади.

* * *

— Ҳар хил ходимлар сони (штати) қисқариши туфайли ишдан бўшаётган ходимга берилган ишдан бўшатиш нафақаси ва товон пулларидан даромад солиғи ушланадими?

А. Қосимов,
Тошкент.

— Амалдаги меҳнат бандлик қонунчилигига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлар сони (штати) қисқариши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши муносабати билан бўшатилаётган ходимларга қуйидаги моддий мадад бериш кафолатлари белгиланган:

1. Уртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги ишдан бўшатиш нафақаси тўланади;

Асос: Меҳнат Кодексининг 109-моддаси.

2. Иш қидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ўртача ойлик иш ҳақи (товон пули) сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга оли ди.

(Меҳнат Кодексининг 67-моддаси)

3. Меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган тақдирда, меҳнат биржаси маълумотномасига биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

(Меҳнат Кодексининг 67-моддаси ва Бандлик қонунинг 27-моддаси)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 58-моддаси а) бандида белгиланишига кўра ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ҳисобланади.

* * *

— Ҳурматли таҳририят. Қуйидаги саволларимга тушунтириш беришингизни сўрайман.

1. Биринчи гуруҳ ногиронига қараб турганлик (парвариш қилганлик) учун нафақа тўланадими?

2. Ҳомиладорлик ва бола туғилганда бериладиган нафақани олишим мумкинми?

3. Тўрт нафар болаларим учун нафақа олишга ҳуқуқим борми?

С. Носирова,
Бухоро вилояти.

— Агар сизнинг кузи ожизлик бўйича 1 гуруҳ ногирони бўлса, у кишининг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама ҳақ қўшиб тўланади. Борди-ю, оддий, 1 гуруҳ ногирони бўлса, устама ҳақ миқдори энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида белгиланади. Шу боис 1 гуруҳ ногиронига қараб турганлик учун нафақа тўланмайди. Аммо амалдаги пенсия Қонунининг 37 моддасига асосан, 1 гуруҳ ногиронига қараб турганлик вақт иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолиятига тенглаштирилади.

«Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармонига асосан, 16 ёшгача болаларга тўланадиган нафақаларни олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига (маҳалла қўмитаси) ариза билан мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

Қинғир ишнинг қийиғи...

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Хоразм вилояти ёшларининг «Камолот» жамғармаси қошидаги Абай номли фирма эзгу мақсадларга хизмат қилади, деган ниятда ташкил этилган эди. Лекин, минг афсуски бошланиши биз ўйлаганчалик бўлмади.

Ички бозорнинг озиқ-овқат саноат молларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда янги ишчи ўринларини очиш мақсадида ташкил этилган фирмани ривожлантириш учун жамғарма томонидан 500 минг сўмлик кредит ажратилди. Бу пуллар «Абай» фирмаси ҳисобига ўтказиб берилди. Фирмани бошқараётган А. Абдураҳимовнинг «уддабурон»лигини қарангки, у бир вақтнинг ўзида Урганч туманидаги «Ислом» хусусий корхонасида ҳам раҳбарлик лавозимида ишлаётган бўлган. А. Абдураҳимов ўзи бошқараётган фирманинг ҳисоб рақамига тушган пулнинг маълум бир қисмига яъни 398 минг 160 сўмига машина сотиб олади. Хизмат юзасидан автомашинадан фойдалангандан сўнг уни қимматроқ баҳога яъни 514 минг 73 сўмга сотиб юборади. Пулларни эса воситачи банкка топширмайди.

Мумай пулга эга бўлган А. Абдураҳимов пул-товар операциясини ўтказишни режалаштиради. Бу ниятни амалга ошириш учун эса Россия Федерациясининг Волгоград вилояти Волжск шаҳридаги «Оливия» ҳиссадорлик жамияти билан товар айрибошлаш бўйича шартнома тузади. Шартномага кўра Абай фирмаси «Оливия» ҳиссадорлик жамиятига пахтали чопонлар етказиб бериш эвазига улардан маҳсулот ёки пул билан ҳисоблашиши келишилган эди. Операция силлиққина давом этди. Шартнома тузилгандан кейин, қонунга кўра шартномани божхона, тижорат банки, республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳудудий бўлимидан тасдиқдан ўтказиши лозим эди. Лекин А. Абдураҳимов қинғир йўллар орқали Волжск шаҳрига товарни жўнатиш тараддудини кўра бошлади. Фирма ҳисобидаги жами 514 минг 73 сўм пулга Хазорасп бозоридан пахтали гуппи харид қилади ва уларни ноқонуний йўллар билан бир амаллаб республикамиз ҳудудидан олиб чиқиб кетади. Жўнатилган моллар ўрнига эса кутилмаганда ҳеч вақо қайтиб келмайди. Энг қизиқ томони шундаки, «Нижне-Волжск» божхона хизматининг маълумотида «Оливия» ҳиссадорлик жамияти ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтмаганлиги, жамият раиси Р. А. Казарян эса бу вилоятда яшамаслиги қайд этилди.

А. Абдураҳимовнинг жавобгарсизлиги масъулиятсизлиги, энг асосийси ҳар бир масалани ўз фойдасига ҳал қилмоқчи бўлганлиги туфайли ноқонуний равишда четга чиқариб юборилган маҳсулотнинг пули ундирилмасдан ўз ҳолича ташлаб қўйилди. Буни қарангки, «Оливия» ҳиссадорлик жамиятининг «тадбиркор-уддабурон»лари А. Абдураҳимовдан ҳам айёрроқ бўлиб чиқдилар.

Ҳўш, бу ишдан ким манфаат кўрди-ю, ким зарар кўрди? Албатта, раҳбарнинг иқтисодий қонунларни билмаганлиги, билса ҳам тан олмай, унга риоя этмаганлиги боис ҳамда ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиб ноқонуний равишда четга маҳсулот жўнатиб, эвазига маҳсулот ёки пул ундирилмаганлиги оқибатида «Абай» фирмаси шу билан бирга республикамиз иқтисодиёти ҳам катта зарар кўрди.

Давлат мулкини талон-тарож қилган сохта тадбиркорлар устидан жиноят иши қўзғатилди.

«Шимолий Тошкент» вокзали орқали йўлга чиқаётган йўловчилар орасида шаҳарма-шаҳар маҳсулот ташувчилар ҳам оз эмас. Вокзалда хизмат қилаётган божхона пости ходимлари пойтахтимизга темирйўл орқали кириб келаётган ва олиб чиқилаётган молларни диққат билан кўздан кечирадилар.

Суратда: навбатчи смена бошлиғи ўринбосари А. Кагарманов ва инспектор В.Ким республика худудига олиб кирилган акциз маркасиз сигаретларни аниқламокда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла

ЭНГ КАТТА КУЧ

Мустақил мамлакатимизда ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бундан кўзланган мақсад барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон манфаатларига хизмат қилувчи эркин фуқаролик жамияти қуришдир. Бунинг учун эса қонун қабул қилувчи Олий ҳокимиятдан тортиб, то қуйи давлат органларигача ўз ҳиссаларини қўшишлари, олий мақсадга эришишда кўмаклашишлари зарур. Ҳур фикрлиликни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда жамиятимиз тараққиётининг энг ишончли бўғинларидан бири маҳалладир.

Ҳаётимиз қомуси - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (105-модда) маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳамда ваколатлари қонунан мустаҳкамланган. Боз устига «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун бугунги кунда ўз самарасини бераяпти.

Халқимиз «Отанг-маҳалла, онанг - маҳалла» деб бежиз айтмаган. Инсоннинг камол топишида аҳолини яратувчиликка сафарбар этишда миллий ва умуминсоний қадриятларимиз сайқал топиб оммалашувида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида маҳалланинг роли беқиёс. Буни ҳатто чет эллик мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Маҳалла фарзандлари ўз маҳалласигагина эмас, бутун миллатга обрў келтириши табиий ҳол. Биз ана шундай минглаб инсонлар билан фахрланамиз.

Шуни таъкидламоқ жоизки, мустақиллигимиз шарофати, ҳукуматимиз, шахсан юртбошимизнинг ғамхўрлиги билан маҳаллалар мавқеи тикланиб, улар тобора обод ва кўркам бўлиб, соғлом авлодни камол топтириш, давлатнинг кучли ижтимоий сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш, қадриятларимизни ривожлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширишяпти.

Бу ишларни янада кучайтириш мақсадида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғизлар, ногиронларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. 16 ёшгача бўлган болали оилаларга нафақа маҳаллалар орқали берилмоқда.

Булар яхши, лекин бу борада бироз фикр-мулоҳазаларимиз ҳам бор. Маҳалла раҳбарини маҳалла оқсоқоли дейиш жуда ҳам тўғри эмас. Чунки ҳаётда уларнинг ҳаммаси ҳам нуроний қариялардан эмас-да. Яна бу ҳол маҳаллага фақат эркаклардан бошлиқ бўлишини тақозо этади. Ваҳоланки, маҳаллага фақат эркакларни раҳбар қилиш адолатдан эмас. Чунки муқаддас Қонунимиз - Конституциямизда эркаклар билан аёлларнинг тенглиги (46-модда) қонуний тарзда мустаҳкамланган. Шунингдек, ҳозирги кунда мустақил республикамизда давлат ва жамоат арбоблари, раҳбар ходимларнинг анчаси аёл кишилардан эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Демоқчиманки, маҳаллани бошқаришга қурби етадиган аёлларимиз кўп. Улар она бўлганликлари боисдан инсон манфаатини ҳимоя қилишда, оилани мустаҳкамлашда ва бошқа кўпгина масалаларни ҳал этишда эркаклардан қолишмасликлари, шикоят-аризаларни холис ҳал қилиб беришлари, ҳеч қандай тазйиққа берилмасликлари, муаммоларни адолат нуқтаи назаридан ечишлари шубҳасиз.

Яна бир таклиф: маҳалла раҳбарлигига кўпроқ истеъфога чиққан юристлардан сайланса фойдадан ҳоли бўлмасди, чунки улар ўз ҳаётий тажрибалари асосида маҳалла миқёсидаги турли хил муаммоларни ва ҳатто можароларни қонуний ва адолатли ҳал этиб, фуқароларни давлат органларига мурожаат қилишдан озод этган бўлардилар. Шунингдек, маҳалла аҳли ўз арзи, шикоятлари билан қайси давлат органига мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида маҳалла раҳбарларидан бемалол маслаҳат олган бўларди. Бундан ташқари, маҳалла раҳбарларининг ташаббуси билан жамоатчилик асосида юридик маслаҳатхоналар очиш, уларга малакали юристларни ҳар ойда бир ёки икки марта таклиф қилиш, уртоқлик суди тузиш, хотин-қизлар вакилини сайлашга ҳам зарурат қолмас эди. Натижада улар томонидан ҳуқуқий мавзуларда суҳбат, мулоқотлар ўтказиб туриш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ҳам оширишга эришилган бўлар эди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, маҳалла ўзини ўзи бошқарувчи идора сифатида катта куч ҳисобланади ҳамда анчагина ҳуқуқ ва бурчларга ҳам эга. Афсуски, айрим маҳалла раҳбарлари буни яхши тушуниб етмасликлари, лоқайдликлари, қатъиятсизликлари билан тегишли мавқега эга эмаслар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, маҳалла ҳам давлат органлари тизимида ўз мавқеига эга бўлиб, Олий Мажлиснинг энг қуйи бўғини, ҳокимият таркибидаги ишончли таянчлардан биридир.

Абдумажид ШУКУРОВ,
юридик фанлари номзоди.

СЛОВАКИЯ — БЕШ ЁШДА

Словакиянинг давлат байрами — Мустақиллик куни арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Словакия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Мувақкат ишлари вакили Йозеф Мачишак билан учрашди.

— Словакия халқи Мустақиллик кунининг беш йиллигини нишонлади. Мамлакат янги, мустақилликнинг олтинчи йилига қандай кайфият ва умидлар билан кириб келаяпти?

Словакия халқининг ўз мустақил давлатчилик тараққиёти тўғрисидаги орзулари рўёбга чиққанига беш йил бўлди. Ана шу давр мобайнида Словакия сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида аниқ муваффақиятларга эришди, халқаро ҳамжамиятда обрў қозонди.

Мамлакат томонидан қўлга киритилган макроиқтисодий кўрсаткичлар бунинг объектив тасдиғидир. Ички ялпи маҳсулотнинг йиллик ўсиши кейинги икки йилда 7 фоизни ташкил этди, инфляция даражаси кам миқдор — 5, 7 фоизга эришилди. Валюта заҳиралари етти миллиарддан ортиқ АҚШ долларидан иборатдир. Бу эса суверен ривожланиш йилларида словак кронасининг барқарор кучини сақлаб туришга имкон берди. Ўтган йилда, шунингдек, мамлакатда ишсизлик даражасини ҳам камайтиришга эришилди.

Декабрь ойида Европа Иттифоқининг Люксембургда ўтказилган саммитида Словакияга трансатлантик тузилмалар — Европа Иттифоқи ҳамда НАТО таркибларига кириш имкониятининг берилганлигини йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди, деб ҳисоблайман.

1998 йилда кутилаётган аҳамиятли воқеалар орасида эса учта сайлов компанияси ўтказилишини айтиб ўтаман — булар президентлик, парламент ва маҳаллий сайловлардир.

— Айтингчи, Чехословакиянинг тинч, изтиробсиз бўлингани ва қолаверса, Словакия ҳамда Чехия мустақилликка эришгандан сўнг ҳам уларнинг турли соҳаларда яхши қўшничилик алоқаларини давом эттираётганликларининг сири нимада? Афсуски, бошқа мамлакатларда ушбу жараён бунчалик равон ва юксак тараққиёт даражасида ўтмади.

— Мен буни сир демаган бўлар эдим. Словакия баъзи бировлар ўз вақтида таъкидлашга ҳаракат қилганидек, федерациядан ажралмади. 1992 йилда биргаликда кун кечиришни амалга ошириш учун қулай бўлган усулларни излаш масалалари кўрилаётганда сантехника ускуналари ишлаб чиқарувчи «UzSmatana», Жиззахдаги шиша идишлар ва люминисцент лампалари, сув ва иссиқлик ўлчовчи асбоблар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

«Узавтосаноат» билан биргаликда кўп соҳаларда ва шунингдек, автомобиль саноатида ишлатиладиган пружиналар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш масаласи муҳокама этилмоқда. Андижонда қурилиш машиналари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ташкил этилаяпти.

Шу билан бирга савдо муносабатлари ҳам ривожланаяпти. 1997 йилнинг ўн ойи давомида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айрибошлаш 12 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Шунингдек, маданий алоқаларимиз ҳам кенгаймоқда. 1998 йилнинг охирида Ўзбекистонда Словакия маданияти кунлари, 1999 йилда эса — Словакияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилиши режалаштирилаяпти. Кейинги ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат жаҳон тиллари университети талабалари словак тилини ўргана бошлайдилар. Талабаларга словак тилини ўқитиш учун услубий қўлланмалар ва адабиётлар тайёрланаяпти.

Бизнинг ҳамкорлигимиз халқаро майдонда давом этмоқда. Мана, Словакия яқинда Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (БСТ) ва ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзолигига вакиллар қабул қилинаётганда Ўзбекистон номзодини қўллаб-қувватлади.

Ўзаро манфаатли словак-ўзбек ҳамкорлиги кенгайтириш ва чуқурлаштириш тенденциясига эга. Қолаверса, у нафақат мамлакатларимиз халқларининг яқинлашувига, балки уларнинг фаровон ҳаётларини юксалтиришга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, бугун Ўзбекистон халқига янги йилда янги зафарлар тилашни, истар эдим.

Сергей КУРБОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ

Юртим тупроғингнинг олтинлиги рост,
Дунёда қадрингнинг олдинлиги рост,
Ҳузурбахш ҳаётнинг эркинлиги рост,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Бу дунё чархпалак: айланиб ўтар,
Умр ҳам армонга бойланиб ўтар,
Яхшилик ҳамиша сайланиб ўтар,
Янги йил ўзинг бер,тузимни.

Замин ҳам қарашди, замон қарашди,
Хушбахт кунлар узра қўшиқ ярашди,
Кимдир иймонсиз-ла иймон талашди,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Диёнат, адолат, эш бўлиб келди,
Турон замин элга хеш бўлиб келди,
Ўзбегим даврада пеш бўлиб келди,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Буюк боболардан қолган мерос юрт,
Тақдирдан минг бора толган мерос юрт.

Оллоҳдан қувватин олган мерос юрт,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Дарёлар жўшавер Оролим тўлсин,
Ризқу насибаю, ҳалолим тўлсин.
Ширин орзулару оромим тўлсин,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Меҳр йўқолмасин, сабр кетмасин,
Ушоқ нон кетмасин, қадр кетмасин,
Ҳаётда ҳеч касга жабр етмасин,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Минг шукр айтайлик кунларга бу кун,
Фарахли,оромбахш тунларга бу кун,
Диёнат тилайлик шумларга бу кун,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Табассум яйрасин, алёр янграсин,
Оллоҳга шукрона мингбор янграсин,
Карнайлар, сурнайлар такрор янграсин,
Янги йил ўзинг бер, тузимни.

Хусанжон АМИН

Р. Галиев олган сурат.

Фан ва техника янгиликлари

«Агар ичсангиз, фақат меъёри билан ичинг», Франкфурт-на-Майне шаҳридаги овқатланиш қоидаси муаммолари билан шуғулланадиган жамият ана шундай хулосага келишди. Мазкур жамият аъзолари ўзларининг олиб борган ушбу тадқиқодлари билан баъзи бир немис ва Америка олимларининг спиртли ичимлик юрак қонтомирлари касалликларига учраш эҳтимолини камайтириб, имсон умрини узайтиради, деган хулосасини рад этди.

«Спиртли ичимликларнинг ҳеч қандай тиббий афзалликлари йўқ. У атиги оддий озиқ-овқат турига киради ва уни истеъмол қилсангиз фақат меъёри билан қилинг акс ҳолда, унинг турган биттани инсон организми учун зарарлидир», дейди жамият президенти профессор Гюнтер Вольфрам.

* * *

Болани доимий равишда жисмоний жазолаш унда ота-онасига ишончсизлик уйғотади ҳамда бола табиатини салбий томонларга буриб юбориши мумкин, дейди Нью-Гэмпшир Университетининг социологи Мэррей Строс 3 минг нафар аёллар ўртасида сўров ўтказиш натижасида.

Калтак еб ўсаётган бола ёлғон сўзлаш, жангарилик ҳамда жамоат орасида ўзини яхши тутмаслик одатларига мойил бўлади. Бироқ, Америкада ҳам ота-оналар ўз боласини калтаклаб туриши тез-тез учрайди. Тадқиқотларга қараганда, 90 фоизга яқин америкаликлар болаларига танбеҳ бераётганда нафақат сўз, балки қўл ҳам ишлатар экан. Бу эса боланинг ўқишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

* * *

Марокаш қадимшунослари хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорликда мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида қум қатлами оситидан қадимий шаҳар изларини топишди. Қазиш ишлари натижасидан шу нарса маълум бўлдики, топилма жойи 15 километрга чўзилган шаҳар деворлари ва ҳарбий истеҳкомдан иборат экан.

Олимлар ушбу археологик топилма орқали Сахарада яшаган дастлабки одамлар кўчманчи бўлишганми ёки ўтроқ бўлиб яшаганми, деган саволга жавоб топиши мумкин, дейилади Мазкур хабарда.

* * *

Маълумки, инсониятнинг муҳим кашфиётларидан бири телефондир. Одамларнинг юмушини енгил қиладиган бу матоҳнинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Дастлабки вақтларда телефон дастаги кўтарилганда у томондан коммутатор ўтирган ва сизни керакли номерга улаган. Кейинчалик 10 та рақами бўлган айлана диск пайдо бўлди. Бу рақамлар орқали хоҳлаган номерни териш мумкин. Ҳозирги вақтда эса рақамли дисклар ўрнига тугмачали рақамлар эгаллади. Телефон тараққиёти бу билан тўхтаб қолгани йўқ, албатта. Яқинда кўлда олиб юрувчи телефонлар ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришаётган Жанубий Кореянинг «Самсунг» ва «Эл-Жи» фирмаси телефоннинг янги турини яратишди. Бу телефонда рақам териш ўрнига керакли рақамни овоз чиқариб айтсангиз бас, телефон аппаратининг ўзи сиз айтган рақамни теради.

Саидмурод РАҲИМОВ.

Ҳар тўғрида

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

... Липецклик слесарь А. Некрасов хаёлида бир неча юзлаб рақамлардан иборат бўлган сонларни илдиз остидан ҳеч янглишмасдан чиқара олади.

... Киевлик Ира Иванченко ўқишда космик тезликни намойиш қилди. У минутига 163333 сўзни ўқий олди. Евгения Алексеенко эса бу кўрсаткични яна икки баробарга оширди. Унга «Новое время» журналини ўқиб чиқиши учун атиги 40 секунд вақт кифоя қилди, холос. Кейин эса ўқиганларини батафсил ҳимоя қилиб бериши учун бир неча соатлар сарф бўлди.

... 1991 йили бир гуруҳ спортчилар Беринг бўғозини сузиб ўтдилар. Масофа 41 км бўлиб, 14 соату 37 минут вақт сарфланган. Ўша пайтда сувнинг иссиқлиги бор-йўғи 4-8 градус бўлган. Сузиш давомида ҳеч қандай нохуш ҳодиса рўй бермаган.

... 1992 йил қишида Иссиққўлда мусобақа ўтказилди. 33 сузувчи 63 соату 20 минутда 168 км масофани сузиб ўтганлар. Ўшанда улар музлаган кўлнинг сувини синдириб йўл очганлар. Мусобақа тугагач, сузувчилардан бирини баданни ўлчаб кўрилганда 32 даражани кўрсатарди. Бироқ, у сувдан чиққанида гўё ҳеч нарса бўлмагандай ўйнарди, сал ўтмай унинг иссиқлик даражаси табиий ҳолатга келган.

... 1991 йил декабрида Серпуховада 20 ёшли Светлана Гаврилина баҳс боғлаб, 40 тонналик ТУ-134 самолётини ўрнидан қўзғатди. Қизнинг ўша пайтдаги оғирлиги 56 кг ,бўйи 164 см. эди.

Чокки Залиханов Эльбрус чўққисига 200 марта кўтарилган. Охирги марта чиққанида у 108 ёшда бўлган.

Раҳбар АБДУЛЛАЕВА тўплаган.

ХУШЁРРОҚ БЎЛИНГ

Ҳар фаслнинг ўз гашти бўлганидек, ғам-ташвиши ҳам етарлича. Қиш янги йил кутиш, қорбўрон ўйнаш, иссиқ хонадонларда ўйин-кулги қилиш мавсуми бўлиши билан бирга одамлардан озгина бўлсада, хушёрликни ҳам талаб қилади: бу мавсумда айниқса иситиш воситаларидан фойдаланиш, электр ва газ печкаларини ишлатиш ва қолаверса янги йил арчасини безатишда ўзига хос қоидаларга риоя қилишга тўғри келади. Ушбу огоҳлантирувчи қоидалар билан муштарийларимизни Миробод туманидаги 3-ҳарбийлаштирилган Ёнғиндан сақлаш бирикмасининг катта назоратчиси, ички хизмат капитани Э.Орипов таништиради.

- Қарияларимизнинг ўт балосидан асрасин, деб дуо қилишларида катта ҳикмат бор. Чунончи 1997 йилнинг ўн ойи мобайнида Тошкент шаҳри бўйича 2408 та ёнғин ҳолати қайд этилган бўлиб, унинг натижасида катта моддий зарар кўрилди. Янада ачинарлиси шундаки, бу ёнғинларда 41 кишининг (шундан 6 нафари болалар) умри хазон кетди. Миробод тумани бўйича 204 та ёнғин ҳолати юз берди. Ёнғин чиқишининг сабабларидан асосийси одамлардаги лоқайдлик, корхона-ташкилотларда ёнғинга қарши воситалар билан тўлиқ таъминланмаганлик, ёнғинга қарши қонун-қоида ва меъёрларга риоя қилмасликдир. Ёнғин баласига учрамаслик учун иншоотлар яқинида ахлат ва қоғозларни ёқмаслик, жамоат жойларида енгил ёниб кетувчи моддаларни сақламаслик, электр-газ жиҳозларидан фойдаланаётганда эътиборсизликка йўл қўймаслик даркор. Ундан ташқари кўп ҳолатларда электрузаткич симларини изоляция қилинмаганлиги, электр пайвандлаш воситаларидан нотўғри фойдаланиш ва айниқса ёш болалар қўлига гугурт тушиб қолиши ёнғин офатига сабаб бўлаётир.

- Элдор ака, биламизки шу кунларда ҳар бир хонадон, болалар боғчаси ва мактабларда янги йил арчалари ясатилган. Арчани ясатиш унинг атрофида ўйин-кулгу қилишда ҳам ўзига хос талаблар бўлса керак?

- Албатта, арча атрофида томошалар кўрсатиш қувончли воқеадир. Лекин катталаримиз унутмасликлари лозимки, арча авваламбор хонанинг ўрта қисмига пухта ўрнатилиши керак. Унинг чўққи қисми ҳамда барглари деворларга тегмасин. Арчани тез ёниб кетадиган ўйинчоқлар билан, хусусан пахта билан безамаслик даркор. Унинг атрофида мушакбозлик қилиш, фейерверк ўйнатиш ман этилади. Уни фақат 24 вольтли кучланишдаги электр лампочкалари ёки 12 вольтли гирлянд чироқлари билан ёритиш мумкин.

Кириб келган янги йилимиз барча хонадонларга бахт-саодат, янги қувончлар келтирсин.

Нодир АЛИМОВ ёзиб олди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Кеча Ашгабатда Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентлари С.Ниёзов, Н.Назарбоев, А.Акаев, И.Раҳмонов, И.Каримовлар учрашдилар. Улар минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишлари кутилмоқда.

***

«Слово Киргизстана» газетасининг ёзишича, Қирғизистон Республикасининг жиноят кодексига баъзибир ўзгартишлар киритилган. Ундаги янгилик шундан иборатки, бундан буён жиноятчилар олий жазога ҳукм қилинмайдилар.

***

«Нью-Йорк Таймс» газетаси ўзининг ўтган йилнинг охирги сонида эълон қилган мақоласида Туркманистон газини Эрон орқали ўтишини «Эроннинг муваффақияти» деб тан олишга мажбур бўлган.

***

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Марказий Осиё республикасида нефть ва газ масалаларида Россияни четлаб ўтиб, жаҳонга юз тутаётганлиги айтилади. Бу ўринда Туркманистон - Эрон, Қозоғистон-Шинжонь қувурлари назарда тутилади.

***

Россия Федерал чегара қўшинлари директорининг биринчи ўринбосари генерал-полковник Александр Тимконинг сўзларига қараганда, Тожикистон чегараларини қўриқлаётган қисмлар шу вақтгача Афғонистон томонидан олиб ўтилмоқчи бўлинган 6 тонна наша ва героинни қўлга киритганлар. Мабодо чегара очиб қўйиладиган бўлса, йилига 70 тоннага яқин турли гиёҳванд моддаларни олиб келиниши учун имконият туғилади.

***

Бишкек шаҳри ҳокими Борис Силаев янги йилда мингта яқин ишсиз иш билан таъминланиши мумкинлигини айтган. Аммо, фаррошлик учун ажратилган бўш ўринларга танловдан ўтган кишигина эга бўлади. Кўча тозаловчиларнинг маоши дастлаб 20 долларни ташкил этади. Кейинчалик улар малакаларини оширсалар, ойлик иш ҳақлари 30 долларга етиши мумкин. Шаҳар ҳокими фаррошларнинг обрўсини оширишни, шунингдек уларга чет тиллари ва компьютердан фойдаланиш сирлари ўргатила бошланади.

ЭКОЛОГИЯ ВА МАЪНАВИЯТ

«Меҳнат» нашриёти фалсафа фанлари доктори, профессор Бўри Зиёмуҳамедовнинг «Экология ва маънавият» китобини беш минг нусхада чоп этди. Китобда экологиянинг янги ижтимоий маънавий қирралари бу соҳада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Унда олға сурилган асосий ғоя ўзимиз яшаб турган табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва шундан келиб чиқиб, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигига эришишдан иборатдир, яъни ҳар бир оилада, жамиятнинг ҳар бир бўғинида соғлом муҳит яратиш ўзаро адолатли ва садоқатли бўлиш, ширин калом ва одоб-ахлоқ, икром кўрсатиш, қисқароқ қилиб айтганда-инсон экологиясини ривожлантириш масаласи қўйилади.

Оилада, таълим тизимида меҳнат жамоаларида, жамоат жойларида ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, экологик маънавиятни шакллантириш зарур. Чунки соғлом ижтимоий муҳитда яхши маънавият шаклланади. Яхши маънавиятга эга бўлган ҳам ижтимоий, ҳам табиий муҳит мусаффолигини таъминлайди. Қўлланманинг ижтимоий экологияга бағишланган бўлимида мазкур масалалар чуқур таҳлил этилади.

Қўлланманинг кейинги бўлимларида ижтимоий экологик вазиятларни соғломлаштириш, оила муҳити барқарорлигини таъминлаш, меҳнат жамоаларида соғлом муҳит яратиш, маънавий экологик қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига тўхталади, Ўтмишимиздан, бугунги ҳаётимиздан, муқаддас китобимиз Қуръони каримдан, Ҳадиси шарифлардан далиллар келтирилади. Улардан қиёсий хулосалар чиқарилади. Ёшларни маънавий баркамол бўлишга даъват этади.

Қўлланмада давлат бошқарув идораларининг экологик ижтимоий ва руҳий муҳитни яхшилаш ва уни ривожлантириш борасидаги ролига ҳам алоҳида тўхталинади.

Китобнинг сўнгги боби Марказий Осиё халқларининг тарихан таркиб топган экологик маънавий меросини урганишга бағишланган. Унда жамият ва табиат экологик мувозанатини сақлаш, табиатимиз, бойликларимиз, еримиз, сувимизни келажак авлод учун яхши ҳолатда сақлаб қолиш ҳар бир инсоннинг эзгу мақсади бўлишлиги таъкидланади.

Ҳалқимизнинг экологик маънавиятига бағишланган бу қалдирғоч қўлланма олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва шу соҳа мутахассислари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Содиқ МЎМИНОВ.

ДАҲШАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
УЛАР БИЗГА КЕРАКМИ?

«Чўл жангариси», «Темир муштум», «Қизил шайтон», «Терминатор», «Амазонкада террор», «Ўлим лойиҳаси»... Булар турли хил операцияларда қўлланиладиган махфий номлар эмас. Ва бу орқали биз уруш учоғи авж олган минтақадан хабар ҳам бермоқчи эмасмиз. Булар фақат телеэкранларимизда намойиш этилаётган фильмлардан баъзиларининг номлари, холос.

Ҳар оқшом экран қаршисида ўтирганимизда, қассобдан кўп қон кўрамиз. Чунки телевизор каналларининг даҳшатли фильмлар борасида бир-биридан қоларлик жойи йўқ.

Мажбуран телба аёлнинг ўз боласини қандай бўғиб ўлдирганлиги, мактаб ўқувчиси ўсмир қизнинг ваҳшийларча ўлдирилиши, хотинини уриб ўлдирган эр каби сюжетларни томоша қилаётиб, бундай воқеалар бизнида телбалик ҳолатига тушириб қўйиш хавфидан қўрқамиз.

Нисбатан кейинги йилларда аста-секин ортиб бораётган даҳшат ичидаги фильмлар инсон руҳиятига таъсирини ўтказаётганлиги узоқ муддат давомида баҳс талаб бўлиб келаётган бир мавзудир. Европа ва хусусан Америка телевиденидаги даҳшатли кўрсатувларнинг болалар ва ёшларга таъсири 1960 йиллардаёқ тадқиқот қилина бошланган эди.

Туркияда ҳам қисқа муддат ичида телевидениедаги даҳшат ичидаги кўрсатувлар инсон руҳиятига салбий таъсир ўтказаётганлиги ва шу билан бирга инсонларни ҳам даҳшатли йўлларга йўналтирилганлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Жамиятнинг ҳар бир ўтган куни янада кўпроқ даҳшат сари бошқарилиши, жиноят ва ўз жонига қасд қилиш каби воқеаларнинг ортиши энди инсониятнинг портлашга тайёр бир бомба ҳолига келганлиги ва бунда бу каби фильм ёки кўрсатувларнинг каттагина улуши борлигини зотан киноларнинг инсонлар руҳиятидаги ўзига хос таъсирини инкор этиб бўлмайди. Ўтказилган тадқиқотлар телевизордаги даҳшатли кўрсатувларнинг, хусусан болаларни ва ёшларни салбий ҳодисалар томон бошлаётганлигини айтишмоқда. Телевизордаги даҳшат ичидаги кўрсатувларни кўраётган болалар фильм қаҳрамонига тақлид қилиши ёки ундаги характерларни ўзларига одат қилиб олишини ким инкор қила олади. Аслида бу хилдаги кўрсатувлар фақаттина болаларни эмас, балки бутун жамиятга кўрсатаётган таъсиридан ҳимоя қилишни ўйламоқ лозим.

Бундай кўрсаткичлар нима сабабдан юқори?

Жамиятдаги умумий мулоҳазаларига кўра даҳшат ичидаги кўрсатувлар рейтингининг юқори эканлигининг сабаби жамиятнинг бу хилдаги программалар қилишга жалб қилинганлиги билан боғлашмоқда. Тижорат масалалари билан қилинаётган кино ва видеофильмлар бир қанча вақтлардан кейин бирбирларига тақлид қила бошлайдилар. Ва яна ортиқча реклама олиш қайғусида мухлиснинг сонини кўпайтиришни ўйлаб қолишди.

Европа ўлкалари ва АҚШда жамоатчилик фикрининг бу хилдаги кўрсатувларга билдирган жавоби бироз бўлсада чеклашларини айтишмоқда.

Радио ва телевидениедаги кўрсатувларнинг маълум бир тартиб остига олиниши кераклиги билан бир қаторда, таъқиқлаш ҳам яхши бир натижа эканлигини айтаётганлар ҳам бор.

Инсонлар XXI аср бўсағасида, бир-бирларини ўз қонуниятларига кўра суд қилишиб, жазолашни эмас, балки бунинг акси меҳр-муҳаббат, дўстлик, инсонийлик туйғуларини ҳаёт тарзига айлантирсинлар.

Давур ЖОЗИЛОВ тайёрлади

• Спорт • Спорт • Спорт

Баскетбол

Юртимизда қиш фасли ҳукмронлик қилаётган бир даврда кўпгина спорт турлари таътилга чиқади. Бироқ баскетбол спортидаги асосий мусобақалар айни шу фаслда ўтказилади. Фикримизни яқингинада бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги мусобақалари ҳам исботлайди. 23-27 декабрь кунлари пойтахтимиздаги Марказий зобитлар уйи баскетбол марказий спорт ишқибозлари билан гавжум бўлди. «Ўзбекистон кубоги» мусобақалари айни шу ерда ўтказилди. Мусобақада олти жамоа иштирок этди. Булар: Кимёгар (Чирчиқ), Суғдиёна (Чиноз), Университет (Самарқанд), Сирдарё ҳамда МҲСКнинг биринчи ва иккинчи жамоалари. Мусобақада бухоролик баскетболчилар ҳеч бир сабабсиз қатнашмадилар. Энди мусобақа ҳақида икки оғиз сўз. Мусобақа жуда юқори савияда ўтди. Бош ҳакам Хислат Аббосовнинг айтишича, ҳалигача ҳеч бир чемпионатимиз ҳам, кубок мусобақалари ҳам бу даражада чиройли ўтмаган. Кўпчилик кутганидек бош совринМҲСКнинг биринчи таркибий жамоасига насиб этди. Улар барча учрашувларда ғалаба қозонишди. Мамлакатимиз терма жамоасининг асосини ташкил этувчи бу йигитларга ҳеч бир жамоа жиддий қаршилик кўрсата олишмади ҳам. Улар Университет жамоасини 126:37, гулистонликларни 108:35, Суғдиёна жамоаси баскетболчиларини 123:43 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

МҲСК-2 жамоаси пешқадамга бироз қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Бироқ тажриба устунлик қилди ва армиячиларнинг биринчи таркибий жамоаси 100:57 ҳисоб билан ғалаба қозонди. Сўнгги ўйинда эса чирчиқлик баскетболчиларни ҳам 94:45 ҳисоб билан енгишди. Шундай қилиб, МҲСКнинг биринчи жамоаси олтинчи бор Ўзбекистон кубогини ўз қўлларида сақлаб қолишди.

Иккинчи ўрин эса армиячиларнинг иккинчи таркибий жамоасига насиб этди. Улар фақат кубок соҳибигагина имкониятни бой беришди, қолган учрашувларда эса кучли эканликларини намойиш этишди. Бу жамоа ҳақида анча илиқ фикрларни айтишимиз мумкин. Жамоа тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, улар ўз ўйинларини шакллантириб улгуришди. Жамоа асосини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, улар келгусида ўз оғаларига муносиб рақиб бўлишларига умид қилишимиз мумкин. Турнирнинг кашфиётларидан бири Чинознинг «Суғдиёна» жамоаси бўлди, десак янглишмаймиз. Бу жамоа 1997 йил тузилди. Биринчи бор Ўзбекистон кубоги мусобақаларида иштирок этди. Гарчи бу жамоа сўнгги ўринни эгаллаган бўлсада, уларга умид қилсак бўлади. Сабаби жамоада умидли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Самарқанднинг «Университет» жамоаси асосан талабалардан ташкил топган. Улар тўртинчи ўринни эгаллашди. Бироқ таркибдаги бир қанча ўйинчилар терма жамоага номзодлар сафидан жой олди. Демак, самарқандлик баскетболчиларга ҳам умид кўзи билан қарасак хато қилмаймиз.

Шахмат

...Голландиянинг Гронинген шаҳрида ўтаётган аёл шахматчилар турнири ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Билассиз, у ерда дунёнинг турли бурчакларидан келган ўн нафар шахматчи айни пайтда «малика»лик курсисида ўтирган Жужа Полгарни нишонга олиб дона сурмоқда. Шу кунгача масофанинг икки қисми ортда қолди. Собиқ Иттифоқ чемпионлари Майя Чибурданидзе ва Се Цзюнларнинг шашти-да, мавқеи-да баланд. Улар ва россиялик Алиса Галлямова оралиқ маррани тенг босиб ўтишди. Пешқадамлар орасида Пиа Крамлинг ва Нана Иоселиани ҳам изма-из боришаётганини кўрамиз. Югославиялик Алиса Марич, олмониялик Кетино Кахмани Герсинкалар ҳали ўз «сўз»ларини айтишгани йўқ. Мухлисларга турнир низомини эслатиб қўймоқ жоиз, деб ўйлаймиз. Даъвогарлар баҳсининг икки ғолиби ўзаро ўн партиядан иборат матч ўйнашади. Мабодо умумий ҳисоб дуранг, яъни бешу беш бўлиб қолса, томонлар қўшимча икки партияда баҳс юритадилар. Шунда ҳам ғолиб аниқланмаса, улар «тезкор» шахматда икки учрашув ўтказишларига тўғри келади. Айтайлик, шунда ҳам ҳисоб 7:7 бўлиб қолса, у ҳолда блиц- яъни беш минутлик ўйин ўтказишлари керак бўлади. Низомда кўрсатилишича, ўйинлар сони ўнтадан кўп бўлмайди. Бордию, шунда ҳам ғолиб аниқланмаса, унда шахматчилар ўзидан кўрсин. Ҳакамлар ҳайъати қуръа ташлашга мажбур бўлади. Ва ниҳоят Жужа Полгар рақиби маълум бўлиши шарт. Даъвогар ва тождор баҳси шу ойга режалаштирилган. Шунга ҳам оз вақт қоляпти.

Дониёр ЮСУПОВ

Юнусобод туманидаги «ЭРМА» масъулияти чекланган жамияти фаолияти тугатилади.
Даъволар муддати - 1 ой.
Тел: 34-07-53

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналарни, ишлаб чиқариш ва маиший биноларни шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил кувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги,шифохона, санаторийлардаги,дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги,спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш кувватига эга

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри
С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ
ИШОНЧ

Бош муҳаррир:
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш -56-85-43.
Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10,
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43,
Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2, ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0912. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.30. Масъул навбатчи : Маҳбуба ҲАЙИТОВА 1 2 3 4 5 6